ҲУРРИЯТ

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

Чоршанба кунлари чиқади | 1999 йил 8 - 14 сентябрь | 36 (138)-сон

Мактабларда ўқиш бошланди: ўйинқароқликлар ўрнини мутолаа, мутолаа, мутолаа эгаллади

ЎҚУВЧИ ВА ДАРСЛИК

Ўзбекистонда 1998 йилдан бошлаб дарсликлар пуллик этиб жорий қилинди.

* * *

1999 йилдан эътиборан 1-синф ўқувчиларига дарслик ва ўқув қўлланмалари (7 тилда) бепул бериляпти.

* * *

Бу йил 1-синфлар учун 7 тилда 10.000.000 дарслик нашрдан чиқарилиб, 640 000 ўқувчига бепул тарқатилди.

* * *

Бугунги кунда 2-синфдан 11-синфгача бўлган барча дарслик ва ўқув қўлланмалари сотувга чиқарилган.

* * *

7-, 8-, 9-, 10- ва 11-синфлар учун мамлакатимиз мактабларида 10.000.000 дан зиёд дарслик мавжуд.

ЭҲ-Э!

Камбағал хайрия қиламан деса, тиланчи топилмайди

АНТИҚА МАШМАША

ҲОДИСА

Ҳа, бу ҳодиса газеталарнинг бозорига касод келган, киоскчилар газета ўрнига сақичу қурут пуллаётган, журналистларнинг ўзлари чиқарган матоҳларини ўзлари сотиш ғамида ғимирлаб қолган айни кунларда рўй берди.

"Чорсу" бозори. Автошоҳбекат ёнидаги мўъжазгина чойхона. Адашмасам, 35-40 ёшлардаги жувон қорачадан келган хипчабел қиз билан чунонам ёқалашардики, бир зумда (лофи билан) 200-300 чоғли оломон йиғилди. Оломон орасидан семизгина бир аёл кичикроқ қоп орқалаб чиқди-ю, жанжал босилди-қолди. Аён бўлишича, жувон билан қиз газета чайқови билан шуғулланишар экан. Ҳалиги ўртага тушган аёл эса "чайқовчи"ларни газет билан таъминловчи бўлиб, бугун газетнинг янгиси чиққан экан.

"Кожинка" ёки "кўки" эмас, ГАЗЕТ деганимизга ҳайрон бўлаётганимиз табиий. Мен эса сизнинг маданий савиянгизни яна бир бор ҳайрон қолдиришга мажбурман: антиқа машмашага сабаб бўлган газета - "Оила ва жамият" эди.

ТОМОШАБИН

Ташкилот Туркияда ишлаб чиқарилган бўёқ ва лакларни сотади



тўлов Сиз истаган усулда амалга оширилади

Қўшимча маълумот учун телефонлар: 130-99-10 / 180-52-51

ОЗОДЛИК ЗАРУРАТИ

САБОҚ

Озодлик - ердаги ҳамма тушунчалардан юксакда туради. Дунёда ҳатто ўлиш мумкин бўлган муқаддасликларнинг энг аввали Озодликдир. Биз ҳамиша озодлик, мустақиллик ҳақида гапирар эканмиз, даставвал унинг яшаш тарзимизга берган имкониятлари хусусида айтамиз. Ваҳоланки, мустақиллик манфаат эмас. Мустақиллик - масъулият. Озодлик яшаш учун эҳтиёжгина эмас, балки яшашнинг ўзидир.

Озодлик ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳеч кимга совға қилинган эмас. То ҳануз, тарих саҳифаларининг қайси қаторида озодлик ҳақида ёзилган бўлса, албатта унинг давомида курашлар ва қурбонлар ҳақида ҳам ёзилган.

Энди айтинг-чи, тарих саҳифаларидаги бизнинг мустақиллигимиз ҳақида битилган жумлалар давомида нималар ёзилган?

Бизнинг курашлар қандай кечган?

Бизнинг улуғ қурбонларимиз кимлар?

ОТАМНИНГ ЎГИТИ

Отамнинг қизиқ бир гапи бор. Мен ҳар сафар қишлоққа борганимда, ана шу антиқа насиҳатни эшитиб қайтаман. Отам "Шляпали, галстукли одамлар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилгин" деб уқтиришдан чарчамайди. Аввалларида отамнинг бу насиҳатларига шунчаки кулиб қўярдим. Бироқ бу сафар ана шу насиҳатлар замиридан нималардир мўралагандек бўлди. Отам нега шляпа билан галстукдан қўрқиб қолган? Отамнинг наздидаги шляпа кийган галстук таққан одамлар кимлар?..

...Ўша йили рамазон ойи айни саратонга тўғри келди. Ҳаво ёндираман дейди. Қирқ-қирқ беш даража иссиқ. Далада эса ғалла ўрими авжида. Одамлар тиним билишмайди. Тўғриғи, тиним билишга қўйишмайди.

Бир куни биз йигирма чоғли киши сомон ғарамлаётган эдик. Кимдир "катталар" келишибди, ҳаммамизни чақи[illegible] ўрмоқда. [illegible] ташкилотлари ва хусусий [illegible]ўқ имкониятларини сафарбар [illegible]илиш катта аҳамиятга эга.

раяпти деб қолди. Дарҳақиқат, комбайннинг соясида уч тўртта галстук таққан, шляпа кийган одамлар туришган экан. Биз раисимизнинг ишораси бўлиб, "катталар" қаршисида қатор бўлиб, қўл қовуштириб турдик.

- Хўш, ўртоқлар, ораларингизда ким рўза тутган? - деди қовоғини солиб, шляпа кийган қориндор "катта". - Қани ким бўлса ўз гуноҳини бўйнига олиб, буёққа чиқсин-чи! Нега индамайсизлар ёки ҳаммангиз рўза тутганмисизлар?

Биз эса ҳамон жим эдик. Қориндор "катта" бизнинг жимлигимизга ишонмади. У ёнида турган кўзани олди-да, бирин-кетин ҳаммамизга сув ичириб чиқа бошлади. Навбат... раисга келди. Раис... раиснинг ранги оқариб кетди. Ахир биз ҳаммамиз билардик, раис рўза тутган эди. Раис қаршисида кўза тутиб турган "қориндор"га бир муддат тикилиб турди-да, титроқ товуш билан деди:

- Сизнинг бобонгизни кўрганман. Донишманд одам эди. Катта мулла эди. Ҳа, бобонгиз катта одам эди, мана сиз ҳам "катта" одам бўлибсиз.

- Менга қаранг, бу билан нима демоқчисиз? Сенинг бобонг ҳам рўза тутган демоқчимисиз? Агар шундай бўлса адашасиз, раис! Бобом бу гуноҳлари учун керакли пайтда жазосини олган. Бу борада менинг виждоним тоза.

Раиснинг тиззалари қалтиради. Кўзлари ёшланди ва ҳаммамизни тонг қолдириб кўзадаги сувни ичиб юборди.

БИЗНИНГ ТАДБИРИМИЗ

... Мен ғалла хирмонига қоровул эдим. Ўша йили баҳор ёғин-сочинли келган эди чоғи, бийдай даланинг ўртасида ғалладан қип-қизил "тоғ" бино этгандик. Одамларимизнинг ўлиб-тирилиб қилган меҳнати туфайли далалардаги ўрим-терим ишлари барвақт якунланган эди.

Бир куни хирмоннинг бошига "катталар" келишди. Яна мен билган ўша галстукли, шляпали "катталар". Улар нималарнингдир устида узоқ тортишдилар. Бир кексароқ бригадиримиз бўларди. Ўша одам шляпали "катталар" дан бирига қўлларини пахса-пахса қилиб, гапирди-да жаҳл билан нарироқда турган тракторига миниб, қаергадир жўнаб кетди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас бригадир трактори орқасидан иккита бульдозорни эргаштириб келди. (Шуни ҳам айтиб қўяй, ўша кекса бригадир шу воқеадан кейин бир ҳафта ўтгач нима учундир ишдан бўшатилди).

Бир пайт... Не кўз билан кўрайликки, ҳалиги иккита бульдозор қип-қизил буғдой хирмони устига атрофидан тупроқ сура бошлади. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг ўша куни қизил "тоғ" бағрида яна бир "тоғ" пайдо бўлди. Ва эртасига боши адоғи кўринмайдиган машина карвонига ортилиб қаерларгадир йўл олди.

Ўша йили бизнинг колхозимиз "Кўчма қизил байроқ" ордени билан мукофотланди. Ғалла режасини эса ортиғи билан бажардик.

МУСТАҚИЛЛИК МАСЪУЛИЯТИ

...Ўйланиб қоламан. Ўйларим сўнгида шундай хулосалар кўринади.

Рўза тутиб "гуноҳкор" бўлган ўша раиснинг кўз ёшлари жаҳолатга қарши ожиз исён эди. Хўжайининнинг кўзига беихтиёр қараб қўйиб, ишдан ҳайдалган ўша бригадирнинг тик қарашлари мустабидликка қарши ожиз исён эди. Отамнинг шляпа билан галстукдан қўрқуви эса у замоннинг нечоғли манфурлигидан нишона эди.

Энди хулосанинг бизга тегишли қисмига қулоқ тутайлик. Озодлик! Уни ҳамма севади. Уни ҳамма мадҳ этади. Озодлик ҳақида ҳамма чиройли гапира олади. Хўш, энди айтинг-чи, озодлик учун ҳамма кураша оладими? Ҳамма жон бера оладими? Ҳамма қон юта оладими?

Гап ана шунда.

Мустақилликнинг масъулияти ҳам, муқаддаслиги ҳам шунда. илоҳи, барчамизнинг кўнглимизни ана шу масъулият, ана шу ҳис тарк этмасин!

Алишер НАЗАР

ЭЪЗОЗНИНГ ЎЗБЕКОНА МОДЕЛИ

[illegible]ейинги пайтда "глобализация" [illegible] таомилга кирмоқда. Ҳар қан[illegible]майда муаммога умуми[illegible]соний, умумжаҳон [illegible]ри назаридан қара[illegible]юзасидан умумлаш[illegible]а, керакли ечимлар [illegible]зга ташланади. Бир[illegible]оти миқёсида олиб [illegible]пишдаги кўплаб тад[illegible]ана шундай таассу[illegible]

[illegible]лан боғлиқ муаммо[illegible]99 йилни қариялар [illegible]ати билан олиб бо[illegible]ардан ҳам кўриниб [illegible]алик фасли тафак[illegible]дунё муаммою ма[illegible]қда. Бунда, бирин[illegible] хос умумий хусу[illegible]инчидан, ушбу уму[illegible]амлакат ва жамият[illegible]нг ўзига хос жиҳат[illegible]а олиш керак бўла[illegible]

[illegible]бекистон умумжаҳо[illegible]жралмас бир қисми [illegible]косликларга ниҳоятда бой мам[illegible]

[illegible]ас, умуман қарияларни ҳурмат[illegible]уси ўзбекнинг қон-қонига син[illegible]менталитетида [illegible]ниг муқаддас [illegible]

БМТ маълумотномасидан:

Халқаро жамоатчилик БМТ миқёсида кексайиш масаласини биринчи бор 1948 йили муҳокама қилган.

1969 йили бу масала Мальтада такрор кун тартибига қўйилди.

1982 йили БМТнинг Бош Ассамблеяси Вена шаҳрида кексайиш бўйича муаммоларни ўрганиш режасини маъқуллади.

1990 йили БМТнинг Бош Ассамблеяси 1 октябрни Халқаро қариялар куни деб эълон қилди, кейинчалик у Халқаро қариялар йили деб ўзгартирилди.

1991 йили тарихда биринчи бор Халқаро қариялар йили бўлиб қолди. Ўша йили БМТнинг Бош Ассамблеяси кекса кишиларга нисбатан БМТнинг 18 тамойилини тасдиқлади. Мазкур тамойиллар мустақиллик, дахлдорлик, парваришлаш, ички имкониятни намоён этиш ва кекса кишиларнинг қадрланиши каби беш гуруҳга бўлинди.

БМТнинг аҳолишунослик бўлими маълумотига кўра, 60 ва ундан юқори ёшдаги кишилар кекса ҳисобланади.

[illegible] қонун, [illegible]ан-да устунроқ, боқийроқ ўзб[illegible] миллий қадри[illegible] туйғуси!

Маҳалла ва жамоа ҳаётида бу туйғу таъсири янада кенг[illegible]яди. Ғарбда қўни-қўшнисини танимай ўтади, бизда бир б[illegible]лага етти қўшни ота-она!

Очиғини айтиш керак, миллатимизга мансуб шу туйғ[illegible] маҳаллачилик анъанаси БМТнинг махсус ташкилотлари т[illegible]монидан таҳлил қилинса ва қариялар йили дастури мунос[illegible]бати билан кенг тарғиб қилинса, умуминсоний маънав[illegible] мулкка айлантирилса, деган таклифни ўртага ташланса д[illegible]ган ниятда эдим. Бу билан умуминсоний эзгулик, илоҳ[illegible] гўзаллик фанига улкан ҳисса қўшилган бўлур эди.

Қариялар йили, кексалик, инсон умрининг шоми... Алл[illegible] умрини бардавом қилган эркакдир, аёлдир ортиқча маша[illegible]қатларси[illegible]яшашни, бил[illegible]гида қувват[illegible] бор экан, бош[illegible]қаларга наф[illegible]тегишини ис[illegible]тайди. "Ило[illegible]қариганимд[illegible]бировга зо[illegible]мухтож қилм[illegible]гин" деб илт[illegible]жо қиладила[illegible] бироқ... х[illegible]кимнинг бош[illegible]га қандай к[illegible]тушиши ёлғ[illegible] Яратганга аё[illegible] Одилона жам[illegible]ят, юксак инс[illegible]ний аҳлоқ-од[illegible] ана шунда[illegible]оғир пайтлар[illegible]бандасини[illegible]оғирини енг[illegible]қилишга хизм[illegible]

кўрсатади. Бу мавзуда кўп ва хўп фикр юритиш, мулоҳаз[illegible]лар билдириш мумкин. Ҳаёт экан, муаммолардан бутк[illegible]ҳоли бўлиш ҳам қийин, зеро, ушбу соҳада учраётган ка[illegible]чиликлар, нуқсонлар вақт-соати билан йўқотила боради [illegible]батт[illegible]кроқ бўлса-да, энг муҳими, [illegible]

"ДИЛФУЗА" ҲОКИМДАН ЗЎР ЧИҚДИ, БИРОҚ...

Уч йиллик уринишлардан сўнг чиқарилган суд қарори ижросига яна шунча вақт керакми?

"Зиммамга юклатилган вазифаларни ҳалол ва виждонан бажаришга, одил судловни фақат қонунга бўйсунган ҳолда амалга оширишга, судьялик бурчим ва виждоним буюрганидек беғараз, одил, ҳаққоний бўлишга тантанали қасамёд қиламан".

"Судьялар қасамёди" ("Судлар тўғрисида"ги қонун, 64-модда)

ТАФТИШ

Судья қасамёди, бир пайтлардаги "Гиппократ қасами" каби, ўз фаолиятлари тақозо этганидек, инсонга дастлабки ва зарур ёрдамни кўрсатиши, унинг манфаатлари ҳимоясига киришиши лозим бўлган муайян тоифа вакиллари томонидан берилади. Ўз вазифаларига қайта киришаётган киши қасамёд қиларкан, шундай бўлишини хоҳлаб онт ичади. Биз ҳам унинг иши қасамёдига мос бўлишини хоҳлардик. Зеро, қасамёд, бу шунчаки оддий сўзлар эмас.

Ҳаёт тарзи бу. Бу фикрлаш тарзи. Қолаверса, бу маънавий баркамолликдир.

Бугунги ҳаётимизда ҳам шундайми? Бу ҳақда биз баимкон қадар мулоҳаза юритишга ҳаракат қиламиз.

Мана, олдимизда кўп йиллик мулкий даъволар натижасида жамланган ёстиқдай-ёстиқдай қоғоз тахламлари (саноқли ҳафталар ичида бирёқли қилинадиган жиноий ишларни кўришдан фарқли ўлароқ, хўжалик ишлари бизнинг судларда баъзан йиллар давомида судралади).

Шундай жилдлардан бирида "Киноактёр" ИИБ директори Фарида Хўжаеванинг бир неча йилдан бери Ўзбекистон Республикаси "Ўзкиновидеоижара" ва "Ўзтелерадиокомпания"си билан судлашаётганига доир даъво ҳужжатлари йиғилганки, бу ҳужжатлар 248335099,45 сўмлик киномаҳсулот ("Гуноҳ-1", "Гуноҳ-2" бадиий фильмлари) ишлаб чиқарган ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси муаллифлик ҳуқуқи қўпол равишда бузилгани ва етказилган моддий зарарни қоплаш ҳақида.

Бошқа бир жилдда эса "Дилфуза" хусусий кичик корхонасининг директори Барно Шерматованинг суд идораларига узоқ йиллар давомида (1994 йилдан ҳозирги кунгача) сарсон-саргардон бўлиб қатнаганига доир саноқсиз ҳужжатлар тўпланган бўлиб, Б.Шерматова судга Яккасарой тумани ҳокимиятига 5664370 сўм моддий зарарни тўлаш ҳақидаги даъво билан мурожаат этган.

Ушбу қоғоз тахламларини варақлаб, уларда нозик аёл дастхати билан битилган ёзувларни, қарорлару буйруқларни, талаблар ва юқори ташкилотларнинг герб ва тамғалари босилиб, ажабтовур имзолар чекилган ёзишмаларини кўриб, ўйга толасан киши: икки аёл, икки нафар нозик мавжудот кутилмаганда ўз ҳақ-ҳуқуқларини бунчалик узоқ ва изчил талаб қилишга сабр-бардошни қайдан олишган экан?!

Уларнинг журъатига, сабр-бардошига беихтиёр таъзим бажо этгинг келади.

"Дилфуза" кичик корхонаси директори Барно Шерматова мустақиллигимизнинг илк даврида (1992 йил май ойида) Яккасарой тумани Қушбеги даҳасидаги "Чойхона" мажмуасини қуришга киришади, бир амаллаб Яккасарой тумани ҳокимиятидан 501-сонли қарорини олишга эришади. Бино қурилиши учун маблағ тўла-тўкис "Дилфуза" кичик корхонаси ва Шерматовларнинг каттагина оиласи аъзоларининг шахсий жамғармалари ҳисобидан таъминланади.

2-БЕТ

Қариялар Қадриятлар Қадрлайди

БМТ эълон қилган "Қариялар йили" муносабати билан туғилган айрим мулоҳазалар

ЭЪЗОЗ

3-БЕТ

РУҲИНГДАН, ОНА ШАРҚ, ЯРАЛДИ БАЁТ!..

"Шарқ тароналари" II Халқаро мусиқа фестивалида ўзбек қизи Насиба "Гран при" совриндори бўлди

ҒУРУР

АРАФА

Озодлик, Ҳурлик... Бу каби сўзлар қадрини қувончдан ўзингни йўқотганингда, аламдан бўғриққанингда биласан кўпроқ. Яъниким, қувончу алам юртинг, Ватанинг қисматига дахлдор бўлганида. Ўлка ҳавосидан бирга нафас олаётган юртдошингнинг Ватанинг шаънига олиб бераётган олқишу шарафлари сенда заррача ғурурни, ориятни қўзғатгандагина шу юрт фуқароси бўлишга ҳақлисан. Зеро, Ватан шаънига, қисматига доир айтилаётган ҳар бир сўз инсон қалби назаридан четда қолмайди. 26-31 август кунлари кўҳна Самарқандда ўтказилган "Шарқ тароналари" II Халқаро мусиқа фестивали ана шу каби туйғуларни жунбушга келтирди.

4-БЕТ

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

- Ишлаётган аёл...га муносабат
- "Журналист текшируви"га рухсат керакми?
- Акира Курасаванинг ўзбек журналистига эсдалик дастхати
- Шоирнинг қўлидан ўғирлик келадими?
- ? Ҳожибой Тожибоевнинг гонорари...

Мустақил газета 1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

"ДИЛФУЗА" ҲОКИМДАН ЗЎР ЧИҚДИ, БИРОҚ...

Уч йиллик уринишлардан сўнг чиқарилган суд қарори ижросига яна шунча вақт керакми?

Ёшгина аёлнинг бу хайрли режасини амалга оширишида учраган қийинчиликларни айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Ҳозирги пайтда ўзи ёки жамоатчилик учун бирор-бир бино қуришга ҳаракат қилган киши қурилиш ташкилотлари ёки оддий ижарачи қурувчилар билан муносабатга киришишининг ўзига яраша машаққатларини яхши билади.

Бироқ Барно Шерматова уларнинг барчасидан муваффақият билан ўтади, бинонинг асосий қисми қурилиб, томи ёпилади. Демак, энди енгил нафас олса бўлар...

Йўқ, фақат эртакларгина "мурод-мақсадига етибди", деган эзгу хулоса билан якунланади. Ҳаётда эса...

- Бир неча ойдан кейин, - дейди Барно Шерматова, - мен тасодифан Яккасарой туман ҳокимияти ўзим қурган бинога маҳалла қўмитасини жойлаштиришга қарор қилганини билиб қолдим. Ҳатто пардоз ишларини бошлаб, бинони мослаштиришга киришиб кетишибди. Мен ҳамма ҳужжатларни йиғдиму туман ҳокими қабулига йўл олдим. Бундай ўзбошимчаликнинг сабабини сўраб қилган мурожаатимга туман ҳокими ўз қарорининг жўяли эканлигини исботловчи бирор бир ҳужжат кўрсата олмади. Ҳокимнинг келтирган энг салмоқли далиллари: "Менга бу бинонинг эгаси йўқ, дейишди" ва "мен сизнинг биноингизни ўзим учун эмас, халқ учун олдим", деган гаплари бўлди, холос.

Шу ўринда бир нафасни ростлаб олайлик: хўш, халқ учун ёки янаям ёмони - халқ номидан жиноятга қўл уришга ким ҳуқуқ берган? Ёки бировнинг мулкини ўз ҳолича идора қилиш ўзбошимчалик экани ва бунга Жиноят Кодексида жавобгарлик белгиланганини мутасаддилар билмайдими?

Хўш, биз ўзимизнинг яқин ўтмишимизни, "Халқ номидан" амалга оширилган қанчадан-қанча бедодликларни жуда тез унутиб юбормаяпмизми?

Ҳа, биз бу кўчалардан ўтганмиз, бундай баҳонаю сабабларни кўрганмиз ва тўйганмиз.

Албатта, бинонинг эгаси Барно Шерматова ҳам. Шу боис у ҳужжатларини тезда йиғиштириб, гап-сўзни кўпайтирмай, ҳамма маълумотларни тўплаб Тошкент вилояти хўжалик судига топширади ва ўз ҳуқуқ ҳамда манфаатларини қонун йўли билан ҳимоя қилишга киришади.

Қолаверса, 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонунда: "Ўзбекистон Республикаси барча фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун ва суд олдида тенгдир", дейилган (5-модда).

Шунингдек, ушбу Қонуннинг 8-моддасига кўра: "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат бошқарув идоралари ва мансабдор шахсларнинг ҳар қандай ғайриқонуний хатти-ҳаракатидан, шунингдек, шаънига ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи, шахсий эркинлиги ва мулки, бошқа ҳуқуқ ва эркинликларига қилинган тажовузлардан суд ҳимоясида бўлиш ҳуқуқига эга".

Нима учун Қонуннинг бу моддаларини эсладик? Бу ўринда юқори лавозимдаги бир таниш судья билан бўлган суҳбат ёдимизга тушади, ўшанда у очиқдан-очиқ хўжалик масалаларига доир мунозараларни ҳал қилишда судьялар аксарият пайтларда жуда қийин аҳволга тушиб қолишади, деган эди. Айниқса, хусусий шахс ва давлат ташкилоти ўртасида низоли масала юзага келганда. Аксарият ҳолларда, гарчи хусусий шахс уч карра ҳақ бўлган тақдирда ҳам, агар бахс давлат ташкилоти билан боғлиқ бўлса, ишни унинг фойдасига ҳал этиш қийин...

Балки мана шу тартиб, худди "телефон ҳуқуқи" каби, кечаги собиқ совет давридан бугунги ҳаётимизга илашиб келаётган иллат ҳануз "ўзаро тенг" ҳуқуқли фуқаро билан, айниқса, қўл остидаги ҳоҳиш ёки таниш ё касбдош билан мулоқотга киришганда зимдан таъсир кўрсатар?

Нима бўлганда ҳам, "Киноактёр" ИИБ билан "Ўзкиновидеоижара", шунингдек, "Дилфуза" кичик корхонаси билан Яккасарой ҳокимияти ўрталаридаги хўжалик мунозараларига доир суд ҳужжатларини ўрганар эканмиз, ўтмиш тузумига ойд иллатлар республикамиз тарихида қолиб кетганига ишонч ҳосил қилдик. Гарчи...

Ҳамма нарсани етук мутахассислар ҳал қилади.. Аниқроғи - авлодлар.

Бугунги кунда суд органларининг биринчи бўғинига, яъни қисман вилоят, шаҳар ва аксарият туман судларига, собиқ тизим мафкурасидан ва иллатларидан ҳоли ёшлар келиб қўшилдики, уларнинг қабул қилишаётган қатъий қарорлари кўп ҳолларда кекса ҳамкасбларининг тушунча ва тасаввурларига мутлақо зид. Бундай янгилик ғайриқонуний қарорлар қабул қилишдай ножўя ҳаракатларнинг камайишига омил бўлаётир ва бундан фақат қувониш керак. Зеро, янги давр янгича ҳаракатларни, янги кутилмаган қарорларни, янги қонун-қоидаларни талаб этади.

Нега бу ҳақда биз алоҳида гапираяпмиз? Чунки кўриб турибсиз, дилинг оғрийди. Чиндан ҳам ўз мамлакатини чиндан севган фуқаро учун юқоридагидай нохуш ҳолатлар ғоят ачинарлидир.

Чунки ўз бошига ташвишлар орттириб бошлаган Барно Шерматова судлашишни 1996 йилдан бошлаб, орадаги танаффуслар билан салкам уч йил давом эттирди. Бу вақт ичида у бош суқиб чиққан идораларнинг сон-саноғи йўқ. Мана шу уч йил ичида номаълум сабабларга кўра ва номаълум кишилар томонидан бу низоли ишга доир баъзи ҳужжатлар йўқотилди. Фирма директорининг ҳонасидаги темир сандиқдан номаълум тарзда ўта муҳим ҳужжатлар, бу ишга доир қоғозлар тўплами, материаллар гумдон бўлди.

Бироқ Б.Шерматова бу-ларга ҳам бардош берди. Гарчи унга бир неча марта "бургага аччиқ қилмаслик..." ҳақида, ақл-ҳушини йиғиб қурашни тўхтатишни "маслаҳат" беришган бўлишса-да, у тўхтамади. У ўз феъл-атворидаги руҳий бардошлиликни, қатъиятни синовдан ўтказибгина қолмай, пировард натижада бир ўзи бўлиб ҳам ғалаба қозонишга ишончини йўқотмади. Қолаверса, бугунги кунда жамиятимизда қарор топган адолатга, миллатни соғломлаштиришга ҳалал бераётган қийинчиликлар ва тўсиқларни ёриб чиқаётган диёнат куртакларига ишончини йўқотмади.

1998 йил 20 апрелида, яъни судга ҳужжатларни топширганидан уч йил ўтгач, ниҳоят, Тошкент вилоят хўжалик суди М.Собиров раислигида ва судьялар Р.Саттарова ва К.Ҳамидуллаевлар иштирокида ишни кўриб чиқишга киришди ҳамда турли тазйиқларга қарамай, **ЎзР ХПКнинг 95-,135-,138-моддаларига асосланиб: қарор чиқаришди.**

"Даъво қаноатлантирсин. Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳисоб-рақамидан "Дилфуза" КК фойдасига - 4927855 сўм ундирилсин.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳисоб счётидан 98 557.1 сўм давлат божи ундирилсин,шундан: 88701 сўм, 30 т. Республика бюджетига;

9855 сўм, 71 т. Тошкент вилояти хўжалик суди ҳисоб варақасига;

ва 500 сўм Тошкент вилояти хўжалик суди ҳисобига суд харажатлари учун".

Буни ғалаба деса арзир эди-ю, бироқ курашаётган ҳар иккала томон ҳам асосий курашлар энди бошланаётганини билиб турарди.

Кўп ўтмай Яккасарой тумани ҳокимиятида Тошкент вилояти хўжалик судининг аппеляция коллегиясига ариза ёзилади ва унда маъмурий амалдорлар аллақачон тажрибада синалган усулни қўллашадики, унга кўра ҳақиқат ўрнини ошкора бўҳтон эгаллаб, масаланинг моҳиятини текширишнинг ҳам, инкор этишнинг ҳам иложи қолмайди. Туман ҳокими имзоси қўйилган бу аризада ёзилишича, "Чойхона" павильони қурилиши **"Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани ҳокими ўринбосарининг 21.05.92 йилги №501-қарори билан, "Ўзбекистон Республикаси архитектура ва шаҳарсозлик" қонунини бузган ҳолда... шунингдек, Тошкент шаҳар бошархитектура ижроия идорасининг розилигисиз"** бошланган.

Ўқувчилар эътиборини шунга қаратмоқчимизки, туман ҳокими бир жумла билан бинони қуришга рухсат берувчи Қарорни имзолаган ўзининг биринчи ўринбосарини жиноятчига чиқариб қўймоқда, қуйироқда эса Б.Шерматовани айблаб: **"Чойхона" павильони дайдилар йиғиладиган жойга айлангани"**ни ёзади.

Бундай сўзлардан кейин туман ҳокимининг ўзи судда ўзининг ўринбосарига ҳамда "Дилфуза" кичик корхонасига нисбатан қилган туҳмати учун жавоб бериши керак эмасми?

Туман ҳокими бундай аризалар билан ҳаракатга киришиши учун эса туман ҳокими ўринбосари томонидан масъулиятли ҳужжатларни тайёрлаш чоғида шахсий манфаати ёки бошқа мақсадларни кўзлаб иш тутганини исботлайдиган маълумотлар бўлиши керак. Шунингдек, туман милиция бўлимида, жуда бўлмаганда ушбу жабрдийда бино жойлашган жойдаги участка милиция пунктида протоколлаштирилган ҳужжатлар бўлиши лозим.

Аслида қонун ва ҳуқуқий тартибга оғишмай амал қилинадиган жойда шундай бўлади, яъни бирор фуқаронинг шаъни, обрўсига доғ етказишга уринган кишининг ҳаракати исботини топмаса бу одам ўзига бошқа жойдан иш ахтаради. Биз юқорида ҳикоя қилаётган воқеада эса, афсуски, бундай бўлгани йўқ. Бироқ шунга қарамай, аппеляция инстанцияси ҳокимнинг арзини инобатга олмади. Ҳокимиятнинг ишни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги даъвосини Тошкент вилояти хўжалик суди аппеляция коллегияси 1999 йил 15 январда Г.Т.Куваев раислигида ва судьялар К.М.Умарқулов ҳамда Ф.К.Абдуллаев иштирокида кўриб чиқиб ЎР ХПКнинг 168-171-моддаларига асосан қарор қилди:

"Аппеляция шикояти рад этилсин!

Суднинг 20.04.98й. даги қарори ўзгаришсиз қолдирилсин.

Давлат божи харажатлари жавобгарга юклатилсин."

Дарвоқе, суднинг биринчи қарори чиқиб, орадан роппа-роса икки кун ўтгач, **яъни 22.04.98 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Г.Барноев номига 01.190-сонли, Олий хўжалик суди Раиси М.Абдусаломов имзо чеккан хат жўнатилади. Хатда "Дилфуза"ККнинг Яккасарой ҳокимиятига нисбатан 4 млн.927 минг 855 сўм микдордаги даъвоси қаноатлантирилгани маълум қилинади. Шунингдек, туман ҳокими номига кичик корхонага нисбатан ғайриқонуний ҳаракатлари учун хусусий ажрим чиқарилади.** Бундан ташқари низоли ишни ўз вақтида кўриб ҳал қилмаган вилоят хўжалик суди судьялари огоҳлантирилгани ҳам ўз ифодасини топган эди Раисининг хатида.

Ўша куни худди шундай хат 01.191-сон билан "Дилфуза" КК директори номига ҳам жўнатилади. Хатлардаги ягона фарқ шундаки, кейинги хатга Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосари М.Умаров имзо чеккан.

Ниҳоят, адолат қарор топганига ишонгинг келади. Бироқ...

Тошкент шаҳар Яккасарой туман ҳокимиятида 1999 йил 2 февралда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди номига янги шикоят тайёрланади.

Ва бу шикоят фавқулодда ўз таъсирини кўрсатади. Олий хўжалик судининг кассация босқичи ўзининг 1999 йил 3 мартдаги қарори билан олдинги хулосага ва судлар қарорига қисман ўзгартириш киритади ҳамда ҳокимиятга даъвогар учун **1529825** сўм тўлашни юклайди. Бу қарорни ҳам Олий хўжалик суди Раисининг ўринбосари М.Умаров ҳар жиҳатдан маъқуллаб имзолайди...

Бир томондан олиб қараганда Барно Шерматовага ҳавас қилса бўлади.

Агар бу қарорни Олий хўжалик суди кассация босқичининг 30.03.1998 йилги, шаҳар хўжалик судининг"Ўзтелерадиокомпания" томонидан бир ярим миллион сўм миқдорда "Киноактёр" ИИЧБга қисман бадал ҳақидаги қарорини бекор қилган қарори билан таққосланса, "Дилфуза"КК фойдасига чиқарилган юқоридаги қарорни ўзига хос совға дейиш мумкин. Бироқ бу "совға" ҳалигача эгасининг қўлига текканича йўқ...

Халқнинг қадимдан келаётган шундай ҳикматли гапи бор: осмон узоқ, ер қаттиқ. Бизнинг замонимизда ҳам ўз хизмат курсиларидан фойдаланиб, адолат истаб келган кишиларга осмонни узоқ, ерни қаттиқ қилиб, уларни сарсон-саргардон этиб қўяётган амалдорлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг ўзларига берилган ҳақ-ҳуқуқларни фуқароларнинг оғирини енгил қилиш ўрнига баъзи ҳолларда енгилини оғир қилиб қўйишаётгани ғоят ачинарли ҳолдир.

Балки бизда қабул қилинган жуда яхши қонунларнинг амалда талаб қилингандек ишламаётгани боиси ҳам шундадир, улар баъзи масъул амалдорнинг "эркин" ҳаракат қилишига халал бераётгандир...

Балки ана шу сабабларга кўра мамлакатимиз бюджетига келиб тушиши лозим бўлган маблағларнинг муайян қисми айрим амалдор шахсларнинг тубсиз чўнтакларида қолиб кетаётгандир.

Нима бўлганда ҳам биз кўп ва хўп ишлашимиз лозим. Қаттиқ меҳнат қилишимиз керак. Порахўрлар ва давлат мулкига кўз олайтирувчилар ўз нафсларини тийишлари учун, жамиятда ўз ўринларини билиб қўйишлари учун бу жудажуда зарур.

Бундай эзгу ҳаракатнинг энг ишончли кўмакчиси ошкораликдир. Юз-хотирсиз, бироқ мавжуд, пайдо бўладиган иллатлардан ҳоли бўлишнинг йўлларидан бири шу.

Маҳмуд УМАРОВ,
ҳуқуқшунос,
Турсунали АКБАРОВ,
журналист

Боши 1-бетда



ҲАМКАСБЛАР

Матбуотчиларга бу ҳамкасбларимизни махсус таништиришнинг ҳожати йўқ. "Ватанпарвар" газетасининг бош муҳаррири Ирисмуҳаммад Абдукаримовнинг ўзига ярашган мўйлаби демасангиз, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги раиси Аслиддин Болиевга ўхшашиб кетар экан. Бамисоли ака-ука дейсиз! Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида Ирисмуҳаммад "Жасорат" медалига, Аслиддин эса "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист" фахрий унвонига сазовор бўлди. ЎзАчи дўстимизга қўшалоқ бахт кулиб бокди — бундан кейин у журналистика оламида орттирган тажрибаларини Маънавият-маърифат Республика кенгаши масъул котиби сифатида ҳам сафарбар этади.

МУЛОҲАЗА

ЎЗБЕКИСТОН ТАРА...

Маълумки, бу йил Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга, келгуси йилда эса президентлик сайловлари бўлиб ўтади. Шу муносабат билан Ўзбекистон сиёсий партиялари ҳақидаги турли фикр ва муносабатлар республика оммавий ахборот воситалари томонидан ёритила бошланди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки демократик сиёсий тизим шароитида сайловларни ҳаракатга келтирувчи сиёсий куч, бу — сиёсий партиялардир. Демак, сайловларнинг қандай ўтказилиши сиёсий партияларнинг сайловчиларга нимани, қандай ғоя-қарашлар, ечимларни тақдим этишига ҳамда сайловчиларнинг тўғри танловни амалга ошира билишлик қобилиятига боғлиқ бўлади.

Бу икки ҳолатни бир-бирисиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондаги мавжуд партиялар сайловлари сайловчиларга нимани тақдим этмоқчи, сайловчилар сиёсий танловни тўғри, ўз манфаатларига мос равишда амалга оширишга тайёрми? - деган табиий савол туғилади.

Биз ушбу мақолада ана шу хусусда фикр юритмоқчимиз.

Ҳозирда Ўзбекистон сиёсий майдонида 5 та партия ҳамда 1 та сиёсий ҳаракат фаолият кўрсатмоқда. Булар: Ўзбекистон халқ демократик партияси (1991), "Ватан тараққиёти" партияси (1992), "Адолат" социал демократик партияси (1995), "Миллий тикланиш" демократик партияси (1995), "Фидокорлар" миллий демократик партияси (1999) ва "Халқ бирлиги" ҳаракатидир. Уларнинг ҳар бири ўзларининг дастур, низом ва нашрларига эга. Ушбу партияларнинг дастурлари билан синчиклаб танишиб чиққан ҳар бир киши улар ғоявий жиҳатдан муштарак эканини англаши қийин эмас. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки, партиянинг асосий максади, бу — Ўзбекистонда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий демократик давлатни қуришдан иборатдир. Миллий ғоя, миллий мафкура эса уларнинг ғоявий негизини ташкил этади. Аммо, ушбу ғоявий муштараклик моҳиятини тушунмаслик натижасида, айримлар партиялар фаолиятига бир ёқлама ёндашиб жамоатчилик тасаввурида ўзгача фикр-тушунчалар пайдо бўлишига сабабчи бўлиб келмоқда.

Хўш, ўша ўзгача фикр, тасаввурлар қандай?

Жамоатчиликдаги биринчи фикр шундайки, гўё Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ўзаро ғоявий курашмаяптилар. Агар Ўзбекистонда марксистик, диний ва ҳоказо ғояларга эътиқод қилувчи ва ушбу ғояларнинг ҳаётга татбиқ этилишидан манфаатдор бўлган ижтимоий гуруҳлар, партиялар мавжуд бўлганда эди, бундай партиялар ўртасида ғоявий курашнинг бўлиши табиий эди. Бироқ, бизда ҳозирча бундай партиялар мавжуд эмас. Демакки, уларнинг ўртасида ғоявий кураш бўлишининг ўзи мумкин эмас. Аммо бу дегани ушбу партиялар ўртасида ҳеч қандай кураш йўқ, деган маънони англатмайди. Маълумки, ҳар қандай партия ҳокимият учун курашади. Акс ҳолда сиёсий партиялар ташкил этилишидан маъно қолмайди. Демократик сиёсий бошқарув шароитида эса ҳокимият учун кураш моҳият нуқтаи назаридан қараганда, сайловчилар овози учун курашдир. Бугунги кунда Ўзбекистон сиёсий партиялари бир-бирлари билан даҳанаки курашмаслиги - ўз-ўзини мақташ, бошқаларни айблаш орқали ўзини сайловчиларга кўрсатмасдан, балки улар орасига кириб боришлари, уларни ўзларининг дастур ва қарашларига ишонтира билишлари лозим. Миллий ғоя, миллий мафкурани ривожлантириш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида мунтазам изланишлари керак бўлади. Ҳақиқий фидойилик фақат ана шу йўналишларида яққолроқ кўриниши мумкин.

Сиёсий партиялар фаолиятига ҳақиқий баҳони сайлов натижаси кўрсатади. Сайлов, бу — сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи ҳақиқий синовдир. Ўз келажагига бефарқ бўлмаган партия ташки[illegible] ...сусатириб ...ушбу [illegible] публика нафис санъат лицейининг санъатшунослик бўлимини тугатиб, Жаҳон тиллари университетида янги ташкил этилган халқаро журналистика факультетига ҳужжат топшириди. Омадми, авлодлар қонидан ўтган зукколикми (иккинчиси ҳақиқатга яқин) сабаб бўлиб, энг юқори - 265,6 балл (кириш бали 190,3) тўплаб, талабалик бахтига муяссар бўлди.

Жамшид ижодий имтиҳонда тўплаган балларида "Оила ва жамият", "Маърифат", "Миллий тикланиш", "Туркистон" каби газеталар билан бир қаторда "Ҳуррият"нинг ҳам ҳиссаси борлигидан фахрланади.

С.УТЕУЛИЕВ

тараққиёт сари юз тутган бўлар эди. Аммо, Россияда ҳозирги партияларнинг ғоявий келишмовчилиги туфайли жамиятда сиёсий барқарорликка путур етди. Бу эса аксарият фуқароларнинг ҳокимиятга, партияларга ҳокимиятга, партияларга ишонч[illegible] ...ўзидангина қидириш - йўқ жойдан нарса қидиришдек гап. Ўзбекистондаги сиёсий партиялар Конституцияда белгиланган фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқларини таъминловчи механизмлардан биридир. Демак, бу фуқароларнинг ҳар бирига берилган имкониятдир. Бу имкониятнинг воқеликка айланиши ёки имконият даражасида қолиб кетиши - ҳар биримизнинг сиёсий фаоллигимизга боғлиқдир. Сиёсий партия фаол бўлиб, фуқаролар сиёсий фаолиятсиз бўлмайди. Фуқароларнинг сиёсий фаоллиги ҳамиша сиёсий партияларнинг фаоллигини белгилайди. Яъни сиёсий партияларнинг фаоллиги - фуқаролар сиёсий фаоллигининг ифодасидир. Демак, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, уларнинг оммалашувини таъми[illegible]таш учун биринчи на[illegible] фуқаро-воли" газеталари фо[illegible] мухбири Малоҳат Мингбоева "Ўзбекистон овози" газе[illegible]си мухбири Абдуғаффор Ом[illegible]воев - "Фидокор" газе[illegible]си мухбири Адиба Ғойипова "Ўзбекистон овози" газе[illegible]

ХОНИМЛАР ВА Ҳ...

Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг "Ҳуррият Нури" шўъба корхонаси "С.Т.С. "Уммо" хусусий фирмаси билан ҳамкорликда, "Ҳуррият" газетаси иштирокида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 8 йиллиги муносабати билан аҳолига жисмоний тарбия-соғломлаштириш хайрия хизматларини кўрсатади. Биз бунда махсус ишлаб чиқилган усул ва массаж ёрдамида болалар ва

совг[illegible] реда[illegible] Ў[illegible] пра[illegible] юн[illegible]

мақсад ва ғояларни татбиқ этиш усуллари турличадир.

Кўриниб турибдики, партиялар фаолиятидаги асосий вазифа - сайловчилар овози учун курашдир. Зеро, мақсад - халққа, жамиятга хизмат қилишдир. Шундай экан, биз партияларнинг ўзаро кураши учун эмас, ғоялар кураши учун ҳам эмас, сайловчилар овози учун кураш тарафдоримиз. Чунки партияларнинг ҳар хил ғоялар ўртасидаги даҳанаки жанги жамият тараққиётига хизмат қилмайди. Агар шундай бўлганда Россия Федерацияси аллақачон бир, [illegible] ...бунинг учун кураш[illegible] буни "ҳокимиятга қарши кураш", деб тушунмаслик керак. Ҳокимият йўқ жойда партия ҳам бўлмайди. Партия ҳокимиятни мустаҳкамлашдан, унинг динамик фаолиятини кўрсатишидан манфаатдор. Шу ўринда "ҳокимият" тушунчасига таъриф бериб ўтиш ўринлидир. Ҳокимият - ваколатлар мажмуасидан иборат бўлган сиёсий тизимдир.

Партияларнинг ҳокимият учун курашишидан мақсад, ана шундай ваколатлар тизимига эга бўлиш ва улар орқали ўз дастурларини, қарашларини ҳаётга татбиқ этишдир. Агар партиялар ҳокимиятга таъсир ўтказиш учун ижтимоий назорат қилиш орқали ўз қарашларини амалга ошириш имкониятларига эга бўлса, нима учун улар ҳокимиятга қарши туришлари керак ёки ҳокимиятдан ўзгача фикрлаши лозим? Аксинча бундай шароитда мавжуд ҳокимиятни қўллаш, у билан ҳамкорлик қилиш фойдали. Ҳар қандай ўзгача фикрлаш ҳокимият билан доимий муросасизлик йўлини тутиш, бу — ҳокимият ва партия ўртасидаги бегоналашувдан бошқа нарса эмас. Ҳокимият ва партиялар ўртасидаги кескин зиддият жамият тараққиётига салбий таъсир этиб, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар кескинлашувига сабаб бўлади. Бундан на ҳокимият, на партия, на жамоат манфаат топади.

Ҳокимият ва партиялар ўртасидаги ҳамкорликкина қуриш, яратиш, бунёдкорликка хизмат қилади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистонда бунёдкорлик ишлари кундан кунга ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон келажагини кўролмайдиган айрим кучлар эса ҳокимият ва партиялар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни бир ёқлама тушуниб, халқнинг ижтимоий онгини ҳокимият ва партияларга ишончсизлик руҳида шакллантиришга ҳаракат қилмоқда. Биз эса ана шундай парда ортига яширинган моҳиятни англаб олишимиз ва бундан халқимизни ўз вақтида хабардор этишимиз даркор.

Юқорида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан кўринадики, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар фаолиятини, партия ва ҳокимият, партия ва халқ ўртасидаги муносабатларни илмий тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб мавзуига айланди. Бу эса Ўзбекистон сиёсатшуносларига катта масъулият юклайди. Фақат асосланган илмий хулосаларгина фуқароларимизнинг сиёсий онги, сиёсий маданиятини турли фанатизмлардан ҳоли тарзда шакллантиришга хизмат қилади.

Шавкатбек МАМАДАЛИЕВ,
ЎзР ИИВ Академияси ўқув бўлими бошлиғининг ўринбосари, доцент

ҲУРРИЯТ ЖАВОБ

"Бой... ўғлининг мероси"

("Ҳуррият", 1999 йил 26-6 июль)

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси раҳбариятининг топшириғига асосан газетанинг 1999 йил 26 июнь - 6 июль сонида чоп этилган "Бой... ўғлининг мероси" мақоласи юзасидан ўтказилган текширувда қуйидаги ҳолатлар аниқланди:

1. ЎзР енгил саноат давлат уюшмасининг буюртмасига биноан Шўрчи тумани собиқ ижроия комитетининг 29.01.1991 йилдаги 18/1-сонли қарори билан Шўрчи пахта тозалаш заводи тасарруфидаги "Аричи" пахта қабул қилиш маскани ҳудудидан ип йигирув ва трикотаж фабрикаси қурилиши учун 3 гектар ер ажратилган, объектнинг қурилишига маблағни енгил саноат давлат уюшмасининг "Енгилсаноатинвест" акционерлик жамияти белгилаган. 1992-1994 йилларда объект қурилишига ҳозирги нархлар баҳосида 99287 сўмлик маблағ сарфланган, буюртмачи томонидан маблағ топиб берилмаганлиги сабабли қурилиш ишлари тўхтаб қолган.

2. Вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг буюртмасига биноан Шўрчи тумани собиқ ижроия комитетининг 26.12.1991 й. 330/12-сонли, Сурхондарё вилоят ижроия комитетининг 29.01.1992. й. 12-2/1-сонли қарорларига асосан собиқ Энгельс, ҳозирги Т.Бердиев номли жамоа хўжалиги ҳудудидан калиш ва резина маҳсулотлари заводи қурилиши учун 9 гектар ер ажратилган. Шўрчи туман ҳокимининг 13.04.1994 йилдаги 131-сонли қарори ҳамда вилоят маҳаллий саноат бошқармасининг 8.06.1994 йилдаги 34-сонли буйруғи билан бу объект Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ҳукуматларининг розилиги билан "ТермАЛ" қўшма корхонасига айлантирилган. Корхона ишга тушса, вилоят эҳтиёжи ва хорижга сотиш учун алюминий прокатидан эшик ва ромлар тайёрлаш мўлжалланган. Қурилишни давом эттириш учун хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш Республика "Бизнес-Фонд"идан 20 млн.сўмлик имтиёзли кредит олишга ҳужжатлар тайёрланиб тақдим этилганида "Бизнес-Фонд" Тожикистон Алюмин заводидан ҳар йили 615 тоннадан алюминий профилли берилишини кафолатлаш учун Тожикистон Республикасидан кафолатнома тақдим этишни талаб қилган. Ўзбекистон томонининг Тожикистон Республикаси ҳукуматига кафолат хати олиш учун 1996 йил 6 июнда қилган мурожаати ижобий ҳал бўлмаганлиги боис "Бизнес-Фонд" имтиёзли кредит ажратмаган ва объект қурилиши тўхтаб қолган. Вилоят "Саноатсавдо" /"маҳаллий саноат" концерни 1997 йил 19 сентябрдаги 28-сонли буйруғи билан "ТермАЛ"ни тугатган.

3. Шўрчи шаҳрида қурилиши бошланган (буюртмачи вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш бошқармаси) 340 ўринли мактаб-интернат, 150 ўринли шифохона ва 16 хонадонга мўлжалланган турар-жой бинолари ҳам маблағ йўқлиги сабабли охиригача етказилмасдан қолган.

4. Ж.Хўжамиёров номли ва "Толли" жамоа хўжаликлари бошқарувларининг буюртмаларига асосан қурилиши бошланган ичимлик сув чиқариш иншооти, 422 ўринли мактаб бинолари ҳам маблағ йўқлиги сабабли қуриб битказилмаган.

5. Шўрчи туманининг собиқ ҳокими Э.Шерматовнинг ташаббуси билан туман "Сув-оқова" бошқармаси буюртмачи қилиб белгиланган ҳолда 1995 йилда Шўрчи шаҳар Мустақиллик кўчасидан 3 метр кенглик ва 875 метрлик узунликдаги траншея кавлатилган, унга ҳар хил катталикдаги темир-бетон қувурлар ётқизилган, шаҳар оқова сувларини ташқарига чиқаришга мўлжалланган бу канализация тармоғининг бир учи туман дон маҳсулотлари комбинатининг тозалаш иншоотига, иккинчи томони чегара қўшинлари шаҳарчаси канализациясигача олиб борилиши режалаштирилган бўлган.

Туманга янги ҳоким этиб тайинланган Ш.П.Мирзаевнинг оғзаки топшириғига биноан канализация иншоотини қурилишини давом эттириш учун маблағ йўқ деган важ билан қазилган траншея кўмиб ташланган.

6. Термиз - Денов автойўлининг Шўрчи марказий бозорига ўтиш қисмидан Шўрчи Автойўл бошқармасининг буюртмасига асосан 1992 йил август ойида ерости йўли қурилиши бошланиб, 1993 йилнинг май ойида тугалланган. Одамлар ерости йўлидан юришга қўникмаётирлар, деган важ билан бу йўлакдан токи ҳозирги текшириш бошлангунга қадар фойдаланилмаган, ҳозирги пайтда ерости йўлидан фойдаланиш бошланган.

Мақолада баён этилган бошқа важлар олдинги йилларда прокуратура ва ички ишлар идораларининг терговчилар ва тезкор ходимлари томонидан текширилган, жиноят ишлари судларда кўрилиб, ҳукмлар чиққан, баъзи ҳолатларда жиноят белгилари йўқлиги учун жиноят иши қузатиш рад этилган, мақола муаллифи ҳуқуқни ҳимояловчи идораларга маълум бўлган, улар томонидан текширилган ҳолатларнинг баъзиларидан фойдаланиб матбуот орқали чиқиш қилган.

Вилоят прокуратураси муаллиф кўтарган масалаларда хўжасизлик мавжуд деган хулосага келиб, уларни батафсил баён этиб вилоят ҳокими номига 11.08.1999 йилда тақдимнома юбориб, тегишли чора кўриш масаласини қўйгани билдирилади.

М.Х.ҚУРБОНОВ,
Сурхондарё вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

(жавоб таҳрирсиз берилди)

Мустақил газета
1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

МАҒРИБУ МАШРИҚ

INTERNATIONAL LIFE

Қариялар йили

Қадриятлар қадрлайди

БМТ эълон қилган "Қариялар йили" муносабати билан туғилган айрим мулоҳазалар

ЭЪЗОЗ

Эъзозлисиз, отахонлар!

Асалат момонинг бетинчлиги

Одатимиз шундай — меҳмонга борилган хонадонда аввал кексалар ҳузурига кирилади, улар билан саломлашилади, ҳол-аҳвол сўралади.

Бизни чоғроққина, лекин саранжом-сариштa хонага таклиф қилишди, у ерга кирдигу, қават-қават тўшалган юмшоқ кўрпачалар устида ўтирган жуда қари кампирга кўзимиз тушди. "Тўқсондан ошиб кетган-ов!" деган ҳаёл кўнгилдан кечди. Жиккаккина, юзлари гўдак боланикидек бир бурда бўлиб қолган, бошига ташлаган оқ дока рўмолининг чеккаларидан дока рўмолдан-да оқроқ соч толалари кўриниб турарди.

Саломлашдик.

— Яхшимисиз, саломатмисиз, моможон?

— Негадир қари кампирнинг қулоғи оғир бўлса керак, деган хаёлда товушимни кўтаригроқ гап бошлаган эканман, момо бемалол суҳбат қура бошлаганини эшитиб ичимда ўзимча хижолат чекиб қолдим.

— Дурустмисан? Бола-чақанг омонми? Рўзғоринг бутми, болам?

Она-да, она учун бола-чақанинг омонлигидан кўра, рўзғорнинг бутлигидан кўра муҳимроқ ташвиш йўқ. Ҳарқалай, юзни қоралаган бобо-момоларимиз не-не кунларни бошларидан кечирмаганлар дейсиз!.. Истайсизми-йўқми, улар ўзлари кўрган оғир қаҳатчилик, қимматчилик, йўқчилик замонларининг уқубатларини унута олмайдилар.

— Ҳаммаси дуруст, ризқ-насибамизни териб юрибмиз, — жавоб қилдим момога. Кекса кишилар билан суҳбатлашганда, табиий, соғлик-саломатликдан сўз очилади.

— Яхшиман, болам, сал қувватим йўқроқ демаса, бардамман. Фақат, шу десанг, тиззамнинг кўзи билан болдирим симиллаб оғрийди. Юролмайман. Анави ҳовлидаги экиннинг ичига обориб қўйларинг, бекор ўтирмай экин-тикинни ўтоқ қилай деб ялинаман, болалар қулоқ солмайди...

Сухбатимиз ташқаридаги равонда — Асалат момонинг етмишдан ўтган ўғли — Ҳафиз ота билан давом этди. Момонинг муборак ёшлари нақ 104 га етибди! Умр бўйи далада кетмон кўтариб ўтган бувижон, мана, шу ёшга чиқиб ҳам бекор қолишни ўзларига эп кўрмайдилар. Меҳнатга кўниккан одам учун бекорчилик – бетинчлик. Ҳаммаси ҳайратнинг зўрлигидан.

— Ўзингиз нафақадамисиз? — сўрадим Ҳафиз отадан.

Ота ҳам шу онанинг фарзанди-да, жавоби ҳам шунга яраша бўлди:

— Нафақа олишга оламан, давлат барака топсин, вақтиваҳтида уйимга келтириб бериб турибди, лекин нафақа дегани бекорчилик дегани эмас, одам тириклиги меҳнат билан, ишқилиб тинч ўтиролмайман, уй-рўзғор, ҳовлимиз ҳам каттагина, рўзғорга ул-бутни ўзимиз етиштирамиз...

Оддий ўзбек хонадони учун одатий ҳисобланган бу манзара-ҳолатнинг ажабланарли жойи ҳам йўқдек, лекин унинг замирига чуқурроқ қаралса қанчадан-қанча маъно мужассам.

Ҳар қандай инсоннинг умр йўли бир қанча босқичларга, поғоналарга бўлинади: гўдаклик, болалик, ўсмирлик... кексалик, қариялик... Табиатнинг ҳар фасли ўзига яраша тароват, сеҳру жозибага эга, шу билан бирга ҳар фаслнинг ўз ташвишлари, ўз муаммолари ҳам етарли. Инсон умрини ҳам қарийб шунга ўхшатиш мумкин. Ҳар бир авлод имкониятларидан унумли фойдаланиш ва ўз навбатида ҳар бир авлодга хос бўлган муаммоларнинг оқилона бартараф этилиши жамият фаровонлашувининг бош омилларидан ҳисобланади. Назаримда, шу омил инсоният тараққиёти учун ҳам муҳим шартлардан десак, муболаға бўлмайди. Зеро, соғлом ақлидрок қириш, йўқотиш, барбод этиш билан эмас, аксинча яратиш, эҳтиёт қилиш, авайлаш ва муҳофазалай билиш билан намоён бўлади. Шу маънода Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1999 йилни Халқаро қариялар йили деб эълон қилишида катта ҳикмат ва фалсафа бор.

"АҲОЛИНИНГ КЕКСАЙИШИ" НИМА?

БМТ маълумотларидан:

Тиббиёт илм-фанининг тараққий этиши шарофати билан гўдаклар орасида ўлим камайди, одамлар умрининг узайиши кузатилмоқда. Туғилишнинг камайиши кексалар сонининг ортишига олиб келади. Шу ҳолат "Аҳолининг кексайиши" деб юритилади.

Ҳисоб-китобларга қараганда, келгуси икки ўн йилликда барча мамлакатларда авлодлар ўртасидаги нисбатда жиддий ўзгаришлар юз беради. Бундай ўзгариш, табиийки, меҳнат, тиббий хизмат кўрсатиш ва таълим олиш тизимларига таъсир кўрсатади. Ривожланаётган мамлакатларда, қариялар куч-қувватдан қолгунга қадар меҳнат билан банд бўладилар, алоҳида имтиёзга эга кексаларгина пенсия билан таъминланадилар. Саноати тараққий этган мамлакатларда эса пенсионерлар қўшимча даромад олиш ёки жамиятга фойда келтириш имкониятлари кўп. Тараққий этган мамлакатларда "учинчи авлод" вакиллари, яъни фаол меҳнат қилиш имкониятига эга қариялар кўпайиб, улар ўзлари учун иқтисодий ва ижтимоий фаолият майдонини кенгайтиришни талаб қилмоқдалар.

Қариялар сонининг орта бориши ва оилалар таъминоти тизимининг шаклланмаганлиги кексалар парвариши борасида янгича ёндашувлар яратишни тақозо этмоқда. Қарияларнинг кўпчилигини аёллар ташкил этиши хотин-қизларга кўрсатиладиган тиббий хизматни тубдан яхшилашни тақозо этмоқда.

Тараққиётнинг турли поғоналарида турган мамлакатларда бундай муаммоларни бартараф этиш даражаси ҳам турлича бўлади, бинобарин, масалага ёндошиш ҳам бир хил кечмайди.

Ривожланаётган мамлакатларда туғилишнинг камая бориши яқин 15-20 йиллар мобайнида меҳнат фаолиятини бошловчи ёшлар орта боришига олиб келади. Четдан келадиган сармоя - инвестиция ҳажмининг ортиши, меҳнат унумдорлигининг ортиши ва жадал иқтисодий тараққиётга эришиш ана шу меҳнат фаолиятини бошловчи авлоднинг иш билан таъминланиш даражасига боғлиқ.

Бир қанча ривожланган давлатлар демографик таркибдаги бундай ўзгаришлардан оқилона фойдаландилар, айримларида эса бунинг акси ўлароқ яқин келгусида аҳвол аянчли тус олиши эҳтимоли йўқ эмас.

Мисолларга мурожаат қилайлик:

◆ Туғилиш камайиб, ёшларни тўла иш билан таъминлаш ҳамда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида инвестицияга эртароқ киришилгани Шарқий ва Жанубий-Шарқий Осиёни кескин иқтисодий ривожланишга олиб келди.

◆ Бу борада Лотин Америкасида ҳам айрим ютуқларга эришилди, бироқ соғлиқни сақлаш ва таълимга эътиборнинг сустлиги ўз асоратини кўрсатмоқда.

◆ Туғилиш камайиши билан Жанубий Осиёда аҳоли таркибида ёш авлоднинг миқдори камая борди. 65 ёш ва ундан юқори ёшлилар сони аста-секинлик билан бўлса-да, ортди. Эндиликда асосий вазифа аҳолининг энг кўп қисмини ташкил этган 15-24 ёшли авлод кучидан самарали фойдалана билиш.

◆ Ғарбий Осиё ва Шимолий Африкада ҳам юқори малакали ёш авлод вакиллари имкониятидан самарали фойдаланиш яхши натижалар бермоқда.

◆ Африканинг Саҳрои Кабирга яқин мамлакатларида қариялар оз, туғилиш кўп ва меҳнатга яроқли аҳоли кўпчиликни ташкил этади. У ерларда юқори натижаларга эришиш учун туғилишни режалаштириш ва иш билан таъминлашни йўлга қўйиш зарур.

◆ Ғарбий Европа, Шимолий Америка ва Японияда ёши 65 дан юқори авлод сони кескин ошиб бормоқда. Келгуси ўн йилликда Иккинчи жаҳон урушидан кейинги туғилиш кескин ошган давр авлод вакиллари ёппасига пенсия ёшига етадилар ва қарияларни боқувчи ишчи кучи озаяди. Туғилишнинг кўпайиши эҳтимолдан йироқ, демографик ўзгаришлар суръати ҳам ошмайди. Бундай ҳолатда иммиграция ўз кучини кўрсатади.

◆ Собиқ Шўро мамлакатларида кузатилаётган туғилишнинг камайиши ва ўртача умр кўриш муддатининг қисқариши соғлиқни сақлаш тизимидаги кризисдан далолат бермоқда.

Дунё минтақалари ва мамлакатларидаги умумий аҳвол масалага ёндашув сиёсатини тубдан ўзгартириш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, тиббиёт, ишлаб чиқариш самарадорлиги, жамият ҳаётида иштирок этиш, кекса ва ёш авлод вакилларининг ўзаро муносабати муаммолари ана шу сиёсатнинг ўзагини ташкил этмоғи керак. Бунда аҳоли сонининг ўсиш ва турмуш даражасининг ортиш суръатидаги мутаносибликка алоҳида аҳамият бериш даркор. Кекса ва ёш авлод турмуш даражасини оширишда оила, жамоа, фуқаролик ташкилотлари ва хусусий тармоқ имкониятларини сафарбар эта билиш катта аҳамиятга эга.

БМТ маълумотномасидан:

1950 йилга нисбатан узоқ умр кўриш кўрсаткичи 20 ёшга "ўсди". Ўша пайтда ҳар 30 кишининг биттаси 60 ёшдан ошган бўлса, ҳозир бу нисбат ҳар 10 тадан биттага тўғри келади.

Ҳозир ҳар беш овруполикнинг биттаси, африкаликнинг эса ҳар йигирмадан биттаси 60 ва ундан юқори ёшда.

2050 йилга бориб ер юзи аҳолисининг ҳар бешдан биттаси, 2150 йилга бориб ҳар учтадан биттаси шу ёшга етади.

2000 йилда ер юзидаги кекса аҳолининг 51 фоизи шаҳарда яшайди.

Кексаларнинг 55 фоизини аёллар ташкил этади. Шундан 65 фоизи 80 ёшдан ошган аёллардан иборат.

1992 йили БМТнинг Бош Ассамблеяси кексайиш муаммоларига доир Декларация қабул қилди ва у ўзига хос амалий фаолиятларга асос бўлиб қолди.

ЭЪЗОЗНИНГ ЎЗБЕКОНА МОДЕЛИ

Кейинги пайтда "глобализация" сўзи таомилга кирмоқда. Ҳар қандай майда муаммога умуминсоний, умумжаҳон нуқтаи назаридан қараладиган бўлса, муаммолар юзасидан умумлашма хулоса чиқариш, айниқса, керакли ечимлар топиш имконлари тезроқ кўзга ташланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти миқёсида олиб борилаётган гуманитар йўналишдаги кўплаб тадбирлар, дастурлар кишида ана шундай таассурот қолдиради.

Аҳолининг кексайиши билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш дастури, 1999 йилни қариялар йили деб аталиши муносабати билан олиб борилган кузатув ва таҳлиллардан ҳам кўриниб турибдики, инсоннинг кексалик фасли тафаккурли одамлар олдига бир дунё муаммою масалаларни кўндаланг қўймоқда. Бунда, биринчидан, турли мамлакатларга хос умумий хусусиятлар мавжудлигини, иккинчидан, ушбу умумийлик замирида ҳар бир мамлакат ва жамиятдаги аҳвол, шарт-шароитнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам кўплигини инобатга олиш керак бўлади.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон умумжаҳоний манзаранинг нечоғли ажралмас бир қисми бўлса, айни чоқда у ўзига хосликларга ниҳоятда бой мамлакатдир.

Кекса ота-онанигина эмас, умуман қарияларни ҳурматлаш, уларни эъзозлаш туйғуси ўзбекнинг қон-қонига сингиб кетган. Бу туйғу ўзбек менталитетидаги энг муқаддас фазилатлардан бири, десак, муболаға бўлмайди. Тушунчалар, урф-одатлар, таомиллар, анъаналаримизнинг жуда кўпчилиги худди шу фазилатга асосланган. Жуда кўп ҳолатларда кишининг "яхши" ё "ёмон"лиги унинг қарияларга муносабатига кўра белгиланиши ҳам сир эмас. Миллатимизни миллат сифатида яхлитлигини таъминлаб келаётган энг қудратли руҳий-маънавий қувват авлодлар орасида жиддий зиддият, рақобат йўқлиги туфайли бўлса ажаб эмас.

Мазкур омил жамиятни бошқариш сиёсатида кенг ўрин тутгани жуда-жуда табиийдир. Биз журналистлар мустақиллик берган имкониятларни кўз-кўз қилувчи мисолларни кўплаб келтирамиз. Шўро давридан тубдан фарқли ўлароқ мустақиллик бизга қарияларимизни, ота-оналаримизни, аждодларимизни қадрлаш ва эъзозлаш имконини қайтариб берди!

1991 йилнинг ўзидаёқ махсус Президент фармони ва ҳукумат қарори чиқарилиб, муҳофаза ва парваришга муҳтож қариялар давлат муҳофазасига олинди. Ҳозирда 17000 нафар боқувчисиз ва ёрдамга муҳтож қарияларга ижтимоий хизмат ходимлари меҳрибонлик кўрсатаётгани ана шундай сиёсат самарасидир.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

- Республикамизда 2500 нафар ижтимоий хизмат ходими бор, - дейди Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазирлиги ижтимоий ёрдамни ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи Алишер Иноқов. - Уларнинг ҳар бирига шаҳар шароитида 8-10 тагача, қишлоқ шароитида 6-8 тагача қария бириктирилган. Улар ўзларига бириктирилган ҳар бир хонадондан ҳафтасига икки мартадан хабар оладилар, бозорўчар қилиб берадилар, уй юмушларига ёрдамлашадилар.

Ҳозир мамлакат миқёсида 14000 дан ортиқроқ ўзгалар парваришига муҳтож яккаю-ёлғиз отахон-онахонлар бор. Президентнинг махсус фармойишига асосан улар ҳар ойда тўққиз турдаги озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотлар билан бепул таъминланмоқдалар. Шунингдек, улар коммунал хизмат кўрсатиш ҳақидан, ер ва мулк солиғидан озод этилган, дори-дармонлар бепул, қишлоқ жойларида эса жамоат транспортидан бепул фойдаланиш имтиёзига эга. Республикада 8 та саховат уйлари, 25 та мурувват уйлари ишлаб турибди. Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида дам олиш, соғломлаштириш ва яшаш учун шарт-шароитлар муҳайё. Биргина ижтимоий-таъминот вазирлигига қарашли уч дам олиш-соғломлаштириш уйлари (Олтиариқ, Товоқсой ва Тошкентдаги) бепул ҳордиқ чиқараётган қариялар билан доимо гавжум.

Бундай рақамларни истаганча келтириш мумкин, лекин гап айрим кўрсаткичларда эмас, балки қарияларга муносабат борасида ўрнатилган сиёсатда!

Олий Мажлиснинг XIV сессиясида сўзлаган нутқида Президент И.Каримов халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши аҳолини янада кучли ижтимоий ҳимоя қилишни ифода этишини устивор йўналишлардан бири сифатида айтди. Жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлар бор, қариялар шу жумладандир.

БМТ ҳужжатларида қариялар турмуш даражасини яхшилашда оила, жамоа, фуқаролик ташкилотлари ва бошқа тармоқ имкониятлари сафарбар этилишининг аҳамияти алоҳида таъкидланган. Ўзбекистон шароитида бу омиллар тўла йўлга қўйилган дейиш мумкин. "Нуронийлар"" жамғармаси фаолияти ҳақида истаганча ёзиш мумкин. Маҳалла институтининг моҳиятида кекса авлоднинг ўрни нақадар улканлигининг ўзи нечоғли ҳикматларга бой!



Шу ўринда қарияларга муносабатнинг шарқона ва ғарбона анъаналари ўртасидаги тафовут хусусида тўхталишга тўғри келади.

Ғарб кишилари орасидаги ўзаро дахлсизлик "қонуни" шу қадар тараққий этганки, ҳатто ота-она ва фарзандлар эрки ўз қўлида, ихтиёрида қолади. Бундай дахлсизликнинг афзалликлари бўлса бордир, бироқ, бу одат ўртадаги меҳр-оқибат, мурувват кучини ҳам йўққа чиқаради. Саксон ёшли америкалик кампир ёлғиз ўзи яшаётганига ҳайрон бўлиб суриштирсам, "Унинг беш фарзанди бор, ҳаммаси бадавлат" деб жавоб беришди. "Ахир кампирни нега ёлғиз қолдиришади?" деб яна таажжубландим. Америкада бунинг ажабланарли жойи йўқ, буни ҳеч ким айб санамайди ҳам. Яна суриштирсангиз, "Бизда қарияларни ижтимоий муҳофаза қилиш сиёсати қонуний йўлга қўйилган" деган жавоб эшитасиз.

Тўғри, қонун ва қонунга риоя этиш борасида Америкадан кўп нарса ўрганиш мумкин, аммо-лекин америкача қонуний муносабатларда ўзбекона соф инсоний меҳр-мурувват, оқибат, эъзоз етишмаслиги яққол кўзга ташланади.

Қиёслаб кўрайлик: Ғарбда қариялар қонун, ижтимоий муҳофаза тизими ва шахсий жамғарма ҳисобига яшайдилар. Шарқда, хусусан, бизнинг Республикада қарияларни муҳофаза этувчи қонун ва ижтимоий муҳофаза тизими, мана, мустақиллик йилларидагина буткул янгича тарзда йил сайин тараққий этмоқда. Бунга қўшимча ўлароқ, бизда фарзандлар ўзларининг ота-она олдида бурчли эканликларини бирон дақиқа унутмайдилар. Фарзандлар кексаларнинг суянган тоғи, ишонган боғи. Яъни, ўғил-қиз ота-она ҳаётининг энг сўнгги дамларига қадар ҳам маънавий, ҳам моддий ғамхўри бўлиб қолади. Бу қонуний мажбурият эмас, балки, қонундан-да устунроқ, бокийроқ ўзбекона миллий қадрият туйғуси!

Маҳалла ва жамоа ҳаётида бу туйғу таъсири янада кенгаяди. Ғарбда қўни-қўшнисини танимай ўтади, бизда бир болага етти қўшни ота-она!

Очиғини айтиш керак, миллатимизга мансуб шу туйғу, маҳаллачилик анъанаси БМТнинг махсус ташкилотлари томонидан таҳлил қилинса ва қариялар йили дастури муносабати билан кенг тарғиб қилинса, умуминсоний маънавий мулкка айлантирилса, деган таклифни ўртага ташланса деган ниятда эдим. Бу билан умуминсоний эзгулик, илоҳий гўзаллик фанига улкан ҳисса қўшилган бўлур эди.

Қариялар йили, кексалик, инсон умрининг шоми... Аллоҳ умрини бардавом қилган эркакдир, аёлдир ортиқча машаққатларсиз яшашни, билагида қуввати бор экан, бошқаларга нафи тегишини истайди. "Илоё, қариганимда бировга зор-муҳтож қилмагин" деб илтижо қиладилар, бироқ... ҳар кимнинг бошига қандай кун тушиши ёлғиз Яратганга аён. Одилона жамият, юксак инсоний аҳлоқ-одоб ана шундай оғир пайтларда бандасининг оғирини енгил қилишга хизмат кўрсатади. Бу мавзуда кўп ва хўп фикр юритиш, мулоҳазалар билдириш мумкин. Ҳаёт экан, муаммолардан буткул ҳоли бўлиш ҳам қийин, зеро, ушбу соҳада учраётган камчиликлар, нуқсонлар вақт-соати билан йўқотила боради албатта. Такрор бўлса-да, энг муҳими – ана шундай эзгу тизимнинг миллий қадрият сифатида, қонуний аъмол сифатида мавжудлигидир.

Республикамиз Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан яқинда ишлаб чиқилган янги дастурда кўзда тутилган режаларнинг ўзи кўплаб отахон ва онахонлар оғирини енгил қилишга қаратилган. Кези келганда, улар ҳақида бафуржа ёзамиз, ҳозир, мақолани вазирликка кираверишдаги бир шоирга қисқача изоҳ билан ниҳоялашни лозим кўрдим.

Биз сизларга қуйидаги шиор остида хизмат қиламиз:

КЎПОЛЛИКНИ - ХУШМУОМАЛАЛИК билан
НОЗИК ТАБИАТЛАРНИ - ЭҲТИЁТКОРЛИК билан
САБРСИЗЛАРНИ - ХУШФЕЪЛЛИК билан
РАНЖИГАНЛАРНИ - ЭЪТИБОР билан
ТОРТИНЧОҚЛАРНИ - МЕҲРИБОНЛИК билан
СЕРЖАҲЛ, СЕРЗАРДАЛАРНИ - БАРДОШЛИЛИК билан.

Бу сўзлар замирида олам-олам миллий ва олам-олам умуминсоний фазилатлар мужассам десак, заррача муболаға қилмаган бўламиз.

БМТ маълумотномасидан:

Халқаро жамоатчилик БМТ миқёсида кексайиш масаласини биринчи бор 1948 йили муҳокама қилган.

1969 йили бу масала Мальтада такрор кун тартибига қўйилди.

1982 йили БМТнинг Бош Ассамблеяси Вена шаҳрида кексайиш бўйича муаммоларни ўрганиш режасини маъқуллади.

1990 йили БМТнинг Бош Ассамблеяси 1 октябрни Халқаро қариялар куни деб эълон қилди, кейинчалик у Халқаро қариялар йили деб ўзгартирилди.

1991 йили тарихда биринчи бор Халқаро қариялар йили бўлиб қолди. Ўша йили БМТнинг Бош Ассамблеяси кекса кишиларга нисбатан БМТнинг 18 тамойилини тасдиқлади. Мазкур тамойиллар мустақиллик, дахлдорлик, парваришлаш, ички имкониятни намоён этиш ва кекса кишиларнинг қадрланиши каби беш гуруҳга бўлинди.

БМТнинг аҳолишунослик бўлими маълумотига кўра, 60 ва ундан юқори ёшдаги кишилар кекса ҳисобланади.

НОСИЁСИЙ ИКЛИМ

ИХТИРО

Шишали крем

Исроилдаги "Соль-гель технологиет" фирмаси мутахассислари янги, қуёшнинг зарарли нурларидан ҳимояловчи крем ишлаб чиқишди. Қизиғи шундаки, уни тайёрлашда хомашё сифатида шишадан фойдаланишмоқда.

Кремдаги мавжуд микроскопик шишали пуфакчалар қуёш нурларини ютиб, терига ультрабинафша нурлар таъсирини камайтиради, дейишмоқда фирма мутахассислари.

ОЛ-А!

Тюмен яқинида НУЖ

Тюменда яшовчи Олег Гордиевнинг "Тюменский курьер" газетасига берган хабарига кўра, у НУЖ — номаълум учар жисмни кўрган. Унинг айтишича, августнинг юлдузли тунида Тараскуль кўлида балиқ овлаётган эди. Тўсатдан уфқ чарақлаб кетади. Олег ғарбдан шарққа томон ҳаракатланаётган ёруғ бир жисмни кўриб қолади. Бу жисм икки дақиқагина кўриниб турган, холос. Кейин қандай пайдо бўлган бўлса, яна шундай, қўққисдан ғойиб бўлган. Орқасидан қолган "кумушранг чанг" анча вақтгача кўзга ташланиб турган эмиш.

ҚИЗИҚ ВОҚЕА

Ана, туристлар келяпти

Лондонда бир маҳалла бор экан. У ерда яшовчилар ҳам, ишловчилар, баққолу сотувчилар, қассобу дўкондорлар ҳам турк миллати мансублари. Табиийки, ўзаро алоқа вақтида ҳам ҳамма турк тилида гаплашади. Борган одам у ернинг Англия эканлигига шубҳа қилиб қолади. Удумлар, расм-русумлар, юриш-туришлар, маданият туркларники. Бу маҳалладан инглизлар ондасонда ўтишгани учунми... Бир куни кўчадан бир неча инглиз ўтиб кетаётганида савдо қилаётганлардан бири:

— Ие, қаранглар, туристлар келяпти-ку! — деб юборибди.

Хориж матбуоти асосида

Камбағал бўлмай, десанг...

ТАФАККУР

Овқат есанг, ўзингга ёқадиганини е, кийим кийсанг, бошқаларга маъқулини кий.

(Бэнжамин Франклин)

* * *

Баъзида зарар тагида энг зўр фойда яшириниб ётган бўлади.

(Герберт)

* * *

Шер кунига бир марта овқатланади. Инсон шердан ўрнак олса бўлмайдими?

* * *

Дин бўла туриб одамлар орасида шул қадар қабоҳат ва ярамасликлар учрайди. Дин бўлмаганида нима бўлишини бир тасаввур қилинг-а!

* * *

Озга эга бўлган камбағал эмас, кўпга тиришган камбағалдир.

* * *

Камбағал бўлмай, десанг, харажатингни даромаддингдан оширма.

* * *

Ҳаддан ташқари машҳур бўлиш ҳам бошга бало келтиради.

(Вольтер)

Шароф МИРЗАЕВ
тўплади

XXI АСРНИНГ АЖОЙИБ АВТОМОБИЛИ

Япония шу кунлари автомобилсозлик соҳасида янги замонавий мижозларни мутлоқ қониқтирадиган, жуда сифатли автомобилсозлик гигантларини ҳам лол, ҳайратга соладиган янги автомобиллар ишлаб чиқармоқда. XXI асрга мўлжаллаб "Исудзу" фирмаси "СОА - 111" маркали енгил автомобилини ишлаб чиқариб, синовдан ўтказди. Синов натижалари кутгандан ҳам зиёда бўлди. Яъни бу автомобилга тўрт цилиндрли 300 от кучига эга бўлган, асосий барча қисмлари металлокерамикадан ясалган двигатель ўрнатилган. Метеллокерамика материали ҳар қандай юқори иссиқлик температурасига ҳам чидайди. Бу двигателнинг ҳеч қандай совутиш тизими йўқ. Унга сув, антифриз, ҳатто ҳаво совутгичи ҳам керак эмас. Энг қизиғи, барчани лол қолдирадигани, бу двигатель бензиннинг барча сифат турларида, спиртда ҳамда дизель ёнилғисининг барча турларида ҳам бемалол ҳеч қандай нуқсонсиз ишлайди. Барча ишларни электрон датчиклар бошқаради.

Илҳом ШЕРМУҲАММАД

Ўзбекистон овозидан сўз!
ҲУРРИЯТ
Мустақил газета
8 - 14 сентябрь
36 (138)-сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир ҳайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Амиркул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЮЛДОШЕВ, Наим КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Аҳмаджон ҲАЛМАСОВ, Раҳмон ҚЎЧҚОР

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт- матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Абдурахмон ТАШАНОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди —20.00
Буюртма — Г 0753

Муаллиф фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин. Таҳририятга юборилган мактуб ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Мустақил газета ҲУРРИЯТ 1996 йил декабрдан чиқа бошлаган

РУҲИЧТДАН, ОҲА ШАРҚ, ЯРАЛДИ БАЁТ!..

"Шарқ тароналари" II Халқаро мусиқа фестивалида ўзбек қизи Насиба "Гран при" совриндори бўлди

Фестивал байроғи кўтарилган куни Самарқанд байрам тусини олди. Кўчаларга, хиёбонларга фестивалга чорловчи афишалар, чақириқлар осилди. Самарқанд барча хорижлик меҳмонларни очиқ чеҳра билан қарши олди. Санъатни севган, ардоқлаган ҳар бир киши тайёрагоҳда, меҳмонхонада, фестивал саҳнасию хиёбонларда турли мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар билан бирга эди. Уларнинг ҳар бирини ўз огаларидай, биродаридай қабул қилганди. Бу эса санъат сеҳри, жодусининг нечоғли ўткир эканидан далолат берарди.

Бир сўз билан айтганда, юртимизда иккинчи бор ўтказилаётган мусиқа фестивали ҳақиқий шодиёнага айланиб кетди. Бу ҳодиса бир томондан мамлакатимиз истиқлолининг 8 йиллиги арафаси, иккинчидан Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлида эришган ютуқлари намоён бўлаётган гўзал паллага тўғри келди.

ЭЪТИРОФ

Мишель Ругави (Франция): Касбим болалар шифокори бўлгани билан ўзим санъатга, мусиқага бир қадар яқин одамман. Ана шу боисдан ҳам "Шарқ тароналари" мусиқа фестивалига келдим.

Фестивал ҳақида гапирадиган бўлсам, таассуротларимни бир интервьюга сигдиролмайман. Таассуротларимни сизларга батафсил ёзиб жўнатаман. Шаҳрингизнинг маҳобатли экани, одамларингизнинг меҳмондўстлиги, бозорларингизнинг гавжумлиги бари-барини ёзаман.

Алекс Траиан (Руминия): Юртингиз ҳақида илгари тасаввурга эга эмасдим. Фестивалга келиб англадимки, Ўзбекистон ҳар

қандай мамлакат билан бўйлаша оладиган, керак бўлса, ўрнак бўла оладиган даражадаги юрт экан. Ўзим санъаткор бўлганим боис санъаткорларингизга эътибор бердим: шу маҳалга қадар Абдуҳошим Исмоиловдек созандани учратмаган эканман. Мумтоз куйқўшиқларингиз билан эса бир умр ошно бўлиб қолдим.

ЯКУН

Фестивалга якун ясалган, минглаб, балки миллионлаб санъатсеварлару, ижро ва соз усталарининг диққат-эътибори ҳакамларнинг сўнгги сўзларига қаратилганди. Ҳакамлар натижаларни эълон қилиш олдидан фестивалнинг ташкилий қўмита раиси Ҳамидулла Кароматовга сўз берилди. Бош вазир ўринбосари фестивал таассуротлари ҳақида сўзлай туриб, бир файласуфнинг сўзларини эслади. "...Шарқ билан Ғарб учрашмайди, — деганди бир файласуф деди Ҳ.Кароматов. - Бу гапнинг айнан ўша даврда нечоғли тўғри эканини билмадиму, аммо бугунги фестивал Шарқу Ғарбни гўзал Регистонда учраштирди."

Ҳа, ташкилий қўмита раиси таъкидлаганидек, Шарқу Ғарб бирлашди, диллар бирлашди, кўнгиллар бирлашди. Бирлашган диллар, кўнгиллар нидоси тилга кўчди. Бу Шарқ таронаси бўлиб олам узра таралади.

Ҳакамлар ҳайъати раиси япон хоними Хонума Тошиба эса ҳаяжонини яширолмай: "Мен бугун Регистон осмонида парвоз этаётган озод Ҳумо қушидекман", деди. У ҳар галги фестивалдан сўнг навбатдагисини соғиниб яшашини сир тутмади. Фестивалда иштирок этган ҳар бир инсоннинг шу каби ҳолатда бўлишини табиий деб баҳолади. Ва бу ҳам санъатнинг сеҳри, жозибаси нечоғли ўткир эканидан далолатлигини эътироф этди.

Ниҳоят, ҳакамлар ғолибларни эълон қила бошлашди.

Аввалига учинчи, иккинчи ва биринчи ўринлар эълон қилинганида рўйхатда ўзбек санъаткорлари йўқ эди. Нафсиламбрини айтганда, мени ичимдаги андек тийиқсиз ғурур алланечук ҳолатга тушириб қўйганди. "Ғолиблар орасида наҳот ўзбеклар йўқ? Наҳот, наҳот..." деган андиша кўнглимга тинчлик бермасди. "Бугун ҳам ўзбеклар ғолиб бўлиши керак эди-ку?!" деб юборгим келаверарди...

Диктор Абдумўмин Ўтбосаров "Шарқ булбули" соврини соҳибасини эълон қилди. Ва ниҳоят у ўзимизнинг ўзбек қизи Насиба Сатторова эди!

Шоира ҒУЛОМ қизи

Нўъмон Муҳаммаджонов фото-лавҳалари

"ҲИДОЯТ" ҲИДОЯТ ЙЎЛИДА

НАШР

Дин — инсон маънавиятининг мезони, ҳаётининг йўриқномаси, икки дунё саодатининг калити. Шунинг учун диний нашрлар ҳам фақат диний маълумот бериш билангина чекланмасдан, кишилик жамиятининг барча соҳаларига чуқур кириб бориши, аралашиши, жамиятнинг тараққиёти, унинг гуллаб-яшнаши йўлида ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим...

Қўлимга бир журнал тушиб қолди: безалиши, босилиши замонавий, номи — "Ҳидоят". Янги журнал чиқа бошлабдими, дея ажабландим аввалида. Йўқ, янги эмас, "Ўзбекистон мусулмонлари"нинг мустақиллик байрамига бағишланган махсус сони экан...

Журналнинг кўриниши ҳам, мазмуни ҳам рангбаранг чиқишига анча ҳаракат қилинган. Озмикўпми бунга эришилган ҳам. Ватанимизда юз бераётган ислоҳотларни ҳам, Ислом асосларига ҳам, яқин ўтмишимиздаги динга бўлган "совуқ" муносабатлар, адабиёт ва дин, шунингдек, хорижий давлатлар ва уларнинг одамлари ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилган.

"Ҳидоят"нинг илк саҳифасида муфтий ҳазратлари Абдурашид қори Баҳромовнинг байрам табриги ўрин олган.

Истиқлолнинг 8 йиллигига бағишлангани боис журналда шахс, жамият, мустақиллик ва Ватан мавзуларидаги чиқишлар анчагина ўринни эгаллайди. Ўзига хос анкета саволларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Абдулазиз Мансурнинг жавоблари ҳам диққатга сазовордир. Шунингдек, ана шундай савол-жавоблар турли одамлар, турфа касб эгалари билан ҳам давом эттирилган. Улар орасида таниқли арбобларимиздан Иброҳим Ғафуров, ёзувчи Эмин Усмон сингариларнинг борлиги ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз. Берилган анкета саволларида мустақиллик, Ислом, тараққиёт, Ватан ва миллат равнақи каби хусуслар қамраб олишга ҳаракат қилинган. Ва бу "Ҳидоят"нинг ҳақиқий байрам сони моҳиятини касб этишида омил бўлган, десак адашмаймиз.

Журналда "Дин асослари" рукни остида берилган "Мувозанат" номли мақолада муаллиф Муқим Маҳмуд инсон ва Ислом дини меъёрлари ҳақида сўз юритади. Пайғамбар алайҳиссаломнинг "Ишларнинг энг яхшиси ўртачасидир", деган ҳадисларини шарҳлаш билан бошланган бу мақола бугунги кун нуқтаи назаридан анча долзарблиги учун диққатни тортиши табиий. Чунки Ислом ва инсон, ҳаёт ва охират, яхши ва ёмон ўртасидаги чегара, мувозанатни "топа олмай қийналаётган"лар ҳам орамизда йўқ эмас-да.

"Дин лозим бўлиб қолди" сарлавҳали мақола эса ҳар бир ўқувчини эътиборсиз қолдирмайди. Мақола "халқлар отаси" — Сталиннинг ўз мақсади йўлида диндан қандай фойдаланганлигини далиллар билан (ўз оғзидан) очиб беришга қаратилган.

Филолог олим Баҳодир Каримнинг Олмонияга сафари таассуротларини баён этган мақоласи ҳам анчайин қизиқарли. Бироқ уни янада кенгайтириш мумкин эди. Чунки мақола тугалланмагандек бўлиб қолган.

Журналга "жон киритиб" турган яна икки нарса борки, булардан бири "Ибратли воқеалар" рукни остида берилган иккита кичик-кичик ривоятдир. Тақво, гуноҳлардан сақланиш, Худодан қўрқиш, бировнинг ҳақига хиёнат қилмаслик каби фазилатлар улуғланган бу фалсафий ривоятлар ҳар қандай қишини ҳаёт ва поклик хусусида фикр юритишга ундаши табиий.

Иккинчи нарса эса Эркин Маликнинг "Эшонқишлоқ ҳикоялари"дир. Бўлган воқеалар асосида қоғозга туширилган бу ҳикоялар халқимиз орасида юз бериб туриши мумкин бўлган баъзи фавқулодда ҳодисаларни тилга олади. Яна бир томони, одамлар орасидаги кўз кўравериб, қулоқ эшитавериб ўрганиб қолган айрим "иллат"ларимиз очиб ташлашга ҳаракат қилинган. Айниқса, "Тавба" ҳикояси ҳар қандай кишини ларзага солади.

"Ҳидоят" инсонларга ҳидоят йўлини танитишга бел боғлабди. Унинг фақатгина байрамларда эмас, ҳар доим чиқиб туришини, бундан ҳам чиройли, бундан ҳам мазмунли бўлишини тилаб қоламиз.

Ш.САЙДАЛИЕВ,
"Ҳуррият" мухбири

ОВОЗА

Тошкент шаҳрида иккинчи синфларнинг дарслик китобларини бир бизнесмен сотиб олиб қўйган эмиш

Қабулхона эшигини очиб, писмиқларга хос жилмаясизда, хушқомат котибадан паст овозда сўрайсиз:

- Шеф шу ердами?!

Бу савол шундай оҳангда бериладики, унинг замирида "ишқилиб, бўлмасин-да", деган илинж ётади. Котиба қурмагур тажрибаси ошиб, юқоридаги сўроқни имо-ишора орқали ҳам тушуниб олиши мумкин.

- Шу ердалар, - дейди ўзини хотиржам тутиб.

- Яхши-и, - дея оласиз ясама табассум билан.

Сўнг кабинетингизга қайтиб, ўз ишингиз билан шуғулланишга мажбур бўласиз: "Сўраб қолса, мана, ўтирибман, ишлаяпман".

Юқоридаги хабар тескарисига айтилса-чи? Яъни:

- Шеф йўқлар, икки соатдан кейин келарканлар.

"Унда мен ҳам йўқман", дейсиз (албатта, ичингизда). Кейин кимнидир йўқлаш учун шифохонага ёки бирор нима харид

"ШЕФ ШУ ЕРДАМИ?!"

Бу сўроқ замирида кўп гап бор

қилиш мақсадида савдо дўконига кетворасиз. Мабодо кўчага чиқишга эринсангиз, хонангизга кириб, компьютердаги "Пасьянс", "Косинка" карта ўйинига берилиб кетасиз (ажиналар билан жанг олиб борувчи ўйинлар ҳам бор).

Лўнда қилиб айтганда, сиз ўзингиз учун эмас, бошлиқ учун ишлайсиз. Раҳбарингиз шу ердами, масъулиятингиз етарли. Юмушлар бўлмаса-да, олдингизга қоғозларни сочиб, тахтадек қотиб ўтираверасиз. Шеф йўқми, гарданингизгача иш бўлса ҳам, тараллабедод сизники. Кайфиятингиз чоғ. Тўғри, баъзи-баъзида жиндак жавобгарликни ўйлаб қуйинасиз. Ўта муҳим ҳисобланган қайсидир ҳужжатнинг тайёр эмаслиги кўнглингизни бир оз хижил қилиши мумкин. Ғайратингиз жўшиб, номига бўлса-да, ўша юмушни дўндиришингиз ҳеч гап эмас.

Нима бўлганда ҳам бошлиққа бинойидек кўринсангиз бўлгани. Шу туришингиз бўлса, тақдирингизни фақат ўша одам ҳал қилишига ишонасиз.

Ишонинг, юқоридаги каби воқеалар фақат лаганбардор, хушомадгўй кимсалар ҳаётидагина учрамайди. Уларга лоқайдлик қобиғидаги ҳамма жамоаларда дуч келиш мумкин. Бунга қайсидир маънода бошлиқнинг ўзи ҳам айбдор. У шу тарздаги муҳит шаклланаётганлигига илғай билиши, уни бартараф этишга жиддий киришиши лозим. Тўғри, ходимлар ёш бола эмас, ақл-ҳуши жойида. Уларга иш унуми ҳақида маъруза ўқишнинг ўзи ноқулай. Қолаверса, ҳар бир киши аввало ўзи учун ишлайди. Аммо жамоанинг эртасини ўйлайдиган раҳбар учун асосийси бу эмас. Ходимларни ўз ишига эътиқод қўйиш, билимини ошириш, ҳаммаслак бўлишга йўналтириш, энг муҳими, мустақил фикрлашга ўргатишдир.

Майли, раҳбар кишига ҳадеб айб тақайвермайлик. Шунақа тоифа кишилар ҳам борки, уриб ҳам, сўкиб ҳам йўриғингга сола олмайсан. "Букрини гўр тузатади", дейдилар. Қайтанга шунақалар макр-ҳийла билан айрим бошлиқлар эътиборини қозонади. Раҳбарнинг оғзидан чиқар-чиқмас, айтганини бажаради. Пиртиллаб, шефи олдида ўзини ишчан кўрсатади. Тезкорлиги билан ҳам иззат топиши мумкин. Бошқалар олдида қовоғига тош осиб юради. Раҳбари қаршисида эса куйдирилган калладай лаб-лунжини йиғиштиролмай қолса, ажабланманг. "Ибратли ходим". Аммо ўзидан билиб, бирор ишни қойиллатмайди, ибратли таклиф ёки ташаббус билан чиқа олмайди. Чиққани билан "раҳбарга ёқмай қолса-я", деб чўчийди. "Битта таклиф маъқул келмаса, иккинчиси манзур бўлар", деган фикр хаёлига ҳам келмайди. Мажозий маънодаги робот-да! Бошлиқ томонидан кўрсатма берилсагина иш эканлигини инобатга олади: "Мен буни бажармайман, шеф айтсин, марҳамат, кўз очиб юмгунча қотираман", деган ўйда юради. Қизиқ-да, фақат бошлиқ учун ишлаш, тўғрими? Шеф йўқми, демак, иш ҳам йўқ. Барчаси учун раҳбар жавобгар, холос. Хайрият, ҳалиям шефлар бор экан, деб қўясан баъзида, акс ҳолда, бу ташкилот дам олиш санаторийсига айланармиди! Шефсиз бирор жабрдийданинг мушкули осонлаштирилмайди. Ҳатто ўринбосар ҳам бунга қодир эмас. Бошлиқнинг ваколати билан иш тутаётганлигини у киши қандай тушуниши мумкин? Ундан кўра икки соатми, уч кун ўтадими, шефнинг ўзини кутган маъқул эмасми? Гарчи бу иш хамирдан қил суғургандек бажарилишига кўзи етса-да, бошлиқнинг олдидан ўтмаса бўлмайди. Оч қорним, тинч қулоғим.

Хўш, юқоридагилар нимадан далолат беради?

1. Масъулиятдан қочиш. 2. Лоқайдлик. 3. Ишёқмаслик, дангасалик. 4. Мустақил фикр юритмаслик. 5. Жон куйдирмаслик (хўжакўрсинга ишлаш). 6. Ноқулай муҳит.

Бизнингча, юқоридаги иллатларнинг бари самарали иш юритиш учун фақат тўсиқ, холос. Якка шефга эмас, балки ўз кучингиз, билим-салоҳиятингизга таянсангизгина фаолиятингиз олға силжишига шубҳа йўқ. Буни маслаҳат, ўгит тарзида қабул қиласизми ёки ақл ўргатиш деб ҳисоблайсизми, ҳар ҳолда ҳақ гап эканлигини ёдингиздан чиқарманг.

Анвар НАМОЗОВ

Самарқанд вилояти

ДАВЛАТ ТИЛИГА ЛОҚАЙДЛАР "ҲУРМАТ" ТАХТАСИ

1. **"Мустақиллик - энг буюк ва боқий байрам" Узжилсбербанк.**
(Тошкент шаҳар Юнусобод туман жамғарма банки бўлимидаги ёзув)
2. **"Ғофур Ғулом станцияси"**
(Тошкент метрополитенининг Ғафур Ғулом бекатидаги ёзув)
3. **"Қайтими йўқ" /"Возврата нет"/**
(Тошкентнинг "Қозоғистон" видеосалонидаги ёзув)
4. **"Шантаж-2"**
(Тошкентнинг "Нодирабегим" видеосалонидаги ёзув)
5. **"СНАМВІІ"**
(Тошкентнинг Миробод туманидаги кўчалардан бирининг номи)

ҲИОБҲАМҲИ

ҲУРРИЯТ SPORT

БОШҚАЛАР ЖЎЖАНИ ЭНДИ САНАЙДИ

Инглизларнинг XIX асрда кўлга киритган энг катта ютуқларидан бири, шубҳасиз, уларнинг юртида футболнинг яратилишидир. 1860 йиллар Лондонда пайдо бўлган бу спорт мусобақаси ҳозирда бутун дунёни қамраб олган. Гарчи футболнинг ватани бўлса-да, 1966 йилда жаҳон чемпиони бўлган Англияга қайтиб яна чемпион бўлиш насиб этмади. Бу инқироздан чиқиш эса Англия футболидан бир дунё ҳаракат талаб қилаяпти. Чунки Голландия ва Бельгияда бўлиб ўтадиган Евро 2000 ўйинларида иштирок этиш инглизлар учун биринчи масала бўлиб қолмоқда.

Аммо бошланиши ёмон эмас. Кетма-кет очко йўқотишлардан сўнг Англия ушбу турда Люксембургни 6:0 ҳисобида жазолашга эришди. Учрашувдаги учта тўп Алах Ширер томонидан киритилиб, у "хет-трикка" эришди. Шунинг билан Англия учун умид учқунлари пайдо бўлди ва энди унда Евро 2000 ўйинларида қатнашиш имкони йўқ эмас. Биринчи ўрин аллақачон Швеция томонидан эгалланган. Шундай бўлса-да, ажабмас, иккинчи ўрин футбол ватани ўйинчиларига насиб этса.

Энди эса бошқа муҳим учрашув натижалари билан танишинг:

"Озарбойжон"-"Португалия"	1:1
"Финляндия"- "Германия"	1:2
"Хорватия"-"Ирландия"	1:0
"Югославия"-"Македония"	3:1
"Кипр"-"Исроил"	3:2

ДУРАНГ ҚИММАТГА ТУШИШИ МУМКИН

Мана шу мавсумнинг ўйинлари орасида кўпчиликнинг диққат-эътиборини Россия иштирок этаётган тўртинчи гуруҳ ўзига жалб қилмоқда. Ушбу турда Россия терма жамоаси ўз майдонида Арманистон билан куч синашди. Ўйиннинг дастлабки дақиқалариданоқ русларнинг уюштирган шиддатли ҳужумлари ҳисобни ошириб юбориши мумкин эди. Бироқ арманларнинг дарвозабондан бахти бор экан, ҳар сафар ҳам унинг маҳорати жамоасини голлардан қутқариб қоларди. Аммо ҳар тўкисда бир айб деганларидек, арман футболчилари озгина илтифотсизроқ чиқиб қолишди. Рус ҳужумчиларига қилинган қўполлик охир-оқибат ҳакамни пенальти беришга мажбур қилди. Пенальтени аниқ амалга оширган Безчастних эса дастлабки тўпнинг муаллифига айландиқолди.

Аммо ўйиндаги муросасиз баҳс то унинг охиригача ҳам келишмади. Биринчи голдан сўнг Панов ва Тихоновларнинг ҳужумлари ҳам ҳар қанча даҳшатли бўлмасин, биринчи бўлим барибир 1:0 ҳисобида интиҳосига етди. Иккинчи бўлимда ҳам — руслар яна ҳам шиддатли ҳужум уюштиравердилар, арманлар эса қарши ҳужум билан рақибларини довдиратиб туравердилар.

Ва ниҳоят, кетма-кет самарасиз якунланаверган ҳужумлардан сўнг, ўйин тугашига озгина қолганда Карпин томонидан киритилган тўп 2:0 ҳисобида русларга кутилган ғалабани ҳадя этди.

Гуруҳнинг яна бир вакили "Исландия" "Андорра"ни мағлубиятга учратиб, дастлабки икки ўрин учун курашни давом эттирмоқда.

Аммо бутун Европа нигоҳини ўзига қаратган учрашув, шубҳасиз, Украинада кечди. Тўғри, турнир пешқадами бўлса ҳам "Украина"га "Франция"нинг таъзирини бериш насиб этмади. Олдинги ўйин 0:0 ҳисобида қайд этилган эди. Бу сафар ҳам жамоалар дурангга учрадилар. Ҳисоб 0:0. Украина учун бундан ачинарлиси бўлмаса керак. Начора, кетма-кет йўқотилган очколар энди қимматга тушиши мумкин.

Ушбу натижалардан сўнг гуруҳдаги вазият чигаллашгандан-чигаллашди. "Украина" 16 очко билан якка пешқадам бўлса, қолган уч жамоада бир йўла 15 тадан очко бор. Хуллас, мусобақалар қанчалик баҳс-мунозарали тарзда давом этишидан қатъий назар, олдиндан фалон команда ғолиб, деб бўлмайди — биринчи, иккинчи ўринлар кимга насиб этишини олий ҳакам — ВАҚТ кўрсатади.

Шуҳрат ТОЖИЕВ

ТАРИХ

ЖАЛОЛИДДИН ВА МАЛИКАЛАР

Султон Жалолиддиннинг ташқи кўриниши ва характери ҳақида маълумот берувчи тарихчилар унинг ўрта бўйли, буғдойранг, хушбичим, келишган йигит эканлигини таъкидлайдилар. Айни пайтда, унинг шерюраклиги, ҳеч нарсадан қайтмайдиган мардлиги, моҳир чавандозлиги, ўзини жиддий тутиши, адолатпарварлиги, бошқалардан ёрдамини аямаслиги каби хусусиятлар ҳам уни одамлар кўз ўнгида улуғвор қилиб кўрсатишини айтадилар. Шу билан бирга Жалолиддин аёлларни ниҳоятда яхши кўрарди, уларга алоҳида эҳтиром билан муносабатда бўларди, деб ёзишади.

Ҳақиқатан, Жалолиддин ҳаётида аёллар катта ўрин тутади. У ўнлаб маликаларга уйланган. Уларга мамлакатнинг кўплаб ерларини мулк қилиб берган, катта бойликлар билан сийлаган. Улар султондан учта ўғил, бешта қиз-фарзандлар кўрганлар.

Баъзи муаррихлар Жалолиддин билан боғлиқ аёллар кўплигини ҳисобга олиб, уни хотинбозликда айбламоқчи бўладилар. Аслида унинг кўп уйланишининг сабаблари бор эди. У баъзи маликаларга ота-онаси, ўз қарорига кўра уйланган бўлса, айримларини маликаларнинг ўз хоҳиш-илтимосига кўра танмаҳрамликка олганди. Яна бошқа бирлари эса давлатлар, ҳукмдорлар ўртасида ҳамкорликларни мустаҳкамлаш, тинчлик ўрнатиш, мақсадида унга хотинликка берилган эди. Яна баъзилари эса асирлик туфайли унинг ҳарамини тўлдиргандi. Хуллас, унинг пешонасига кўплаб маликалар билан бирга яшаш, бир ёстиққа бош қўйиш насиб этганди.

Жалолиддиннинг биринчи хотини Бекдили уруғидан бўлган малика эди. Унга хоразмшоҳлар саройидаги анъанага кўра, отаси ва онаси уйлантиришганди. Одатга кўра Жалолиддин валиаҳд қилиб тайинланиши ва унинг Бекдили уруғидан бўлган хотинидан туғиладиган фарзанд ҳам валиаҳд бўлиши лозим эди. Жалолиддин момоси Турқон хотун туфайли валиаҳд қилиб тайинланмайди. Отаси ўлими олдидан қўлдан кетган мамлакатга уни валиаҳдликка тайинлайди. Аммо Гурганжда қипчоқ амирлари унинг валиаҳд қилиб тайинланишини тан олмайди. Натижада, у онаси, хотини, ўғли ва ҳарамидагиларини олиб, уч юз лашкар билан Хоразмни тарк этади. Синд дарёси бўйидаги жангга қадар улар бирга бўладилар. Бу жанг пайтида шу хотинидан туғилган ўғли мўғул лашкарлари томонидан асир олинади ва Чингиз кўз ўнгида бўғизланади. Насавий унинг бу ўғлини "еттисаккиз ёшлардаги бола эди", деб ёзади. Агар бу жанг 1221 йилнинг 25 ноябрида бўлиб ўтган бўлса, демак, 1214 йилда таваллуд топган, Жалолиддин эса унинг онасига 1213-1214 йиллар оралиғида уйланган бўлиб чиқади. Ана шу жангдан кейин онаси ва хотини илтимоси, талаби билан улар ҳамда унинг ҳарамидагилар ҳам Синд дарёсига ташланади. Жалолиддиннинг онаси, хотини ва биринчи фарзандининг ҳаёти ҳам ана шундай фожеали якунланади.

Жалолиддин иккинчи бор Парвон шаҳрида мўғуллар устидан ғалаба қозонганидан кейин тоғаваччаси, Ҳиротнинг собиқ валиси Амин ал-Мулкнинг (Туркон хотуннинг укаси) қизига уйланади. Унинг бу хотини ҳам Синд дарёсига ташланганлар орасида бор эди. Лекин у Оллоҳ иноятi билан дарё гирдобидан омон чиқади ва Синд, Учча, Мултон, Лаҳор, Пешоворнинг ҳукмдори Носириддин Қубача қўлига тушиб қолади. Қубача уни совға-саломлар билан Жалолиддин ҳузурига жўнатади. Бу малика қиз туғади. Бу қиз Жалолиддин вафот этган пайтда ҳам тирик бўлади. Тарихчилар Миср, Дамашқ султонлари - айёубийлар 1230 йилда бу қизнинг қўлини сўраб Жалолиддин ҳузурига боришганини, лекин султон қизини уларга хотинликка бермаганлигини ёзишади.

Султон Жалолиддин Синд дарёси бўйида мўғуллардан мағлуб бўлганидан кейин то 1224 йилгача Ҳиндистонда бўлади. Бу ерда катта теградаги жойни босиб олади ва ҳукмронлик қилади. Табиийки, бу ердаги кўп мулкдорлар унга очиқдан-очиқ қарши чиқса, айримлари қўрққанидан унинг тарафини оладилар. Ана шундай қўрққанидан дўстона муносабат ўрнатганлардан бири Жуд тоғи теграсидаги Хоккар-Сангинлар қабиласининг рожаси бўлди. Рожа Жалолиддин билан яқин бўлиш учун қизини унга беради ва ўғли бошчилигидаги қўшинини унинг ҳузурига ёрдамга юборади. Жалолиддин хотинининг акасини яхши кутиб олади ва унга "Кутлуғхон" деб лақаб беради. Аслида рожанинг қизини Жалолиддинга хотинликка бериши ва унга ёрдам кўлини чўзишидан бошқа мақсади бор эди. Қубача бу рожанинг ерларини ўзига қўшиб олиш ниятида эди. Рожа шу учун Жалолиддин билан яқинлашади. Ҳақиқатан, Қубача рожанинг мулкига 20 минг лашкар билан бостириб келганида Жалолиддин 7 минг лашкари билан унга қарши чиқади ва Қубачани мағлуб этади. Бу малика султон Ҳиндистондан қайтганидан кейин ўз юртида қолади.

Ҳиндистонда Жалолиддин билан яқинлашиш ниятида бўлганлардан бири Шимолий Ҳиндистон ҳукмдори Шамсиддин Элтутмиш эди. Элтутмиш (унинг ҳукмронлик даври 1211-1236 йиллар) дастлаб Жалолиддинга қарши урушга ўттиз минг отлиқ, юз минг пиёда лашкарларини ва уч юзта филини ташлайди. Жалолиддин ўзининг кам сонли лашкарлари билан унга мардонавор қарши чиқади. Қўшин илғори сифатида жангга кирган Ўзбек Тоий беш минг лашкари билан Элтутмиш қўшинини саросимага солади. Шундан кейин Элтутмиш Жалолиддинга: "Сен султонлар мусулмони, мусулмонлар султонисан, сенинг ва менинг душманимиз битта - тоторлар. Шу учун тақдир қўлида сенга қарши қурол бўлишини истамайман. Сенга қарши ўзимни ҳимоя қилишдан бошқа вақтда ҳеч қачон қилич кўтариб чиқмайман", дея мактуб ёзади ва орадаги дўстлик янада ишончли бўлсин деган мақсадда султонга ўз қизини хотинликка жўнатади.

Жалолиддин Ҳиндистонда қўл остига катта теградаги мулкларни қамраб олади. Айни ана шу сабабли ҳинд рожалари, раналарй, ҳукмдорлари, тҳакурлари, султонлари унга қарши курашиш учун бирлашадилар. Бунинг устига мўғуллар ҳам унинг изидан яна таъқиб этишни бошлайдилар. Айнан щу вақтда Ирокдан укаси Ғиёсиддин Пиршоҳ ёнидан отасининг собиқ лашкарбошилари, унинг хизматига келадилар. Улар Жалолиддинга укаси Ғиёсиддин Ироқни бошқара олмаётганини, шу учун у ерга бориб мамлакатда тартиб ўрнатишни, давлатни қўлга олишни, бу ишда ироқликлар унга ёрдам беришга тайёрлигини маслаҳат берадилар. Бунга кўра у 1224 йилнинг кузида Ҳиндистондан Кирмонга қараб йўлга чиқади. Ораликдаги саҳродан ўтадиган йўлни салкам бир ой деганда босиб ўтади.

Жалолиддиннинг Ироқни қўлга киритиши осон бўлмайди. Укаси Ғиёсиддин унга қарши курашга бел боғлайди. Шунда у укасига умумий душмани мўғуллар ҳақида эслатиб мактуб ёзади. Бундан ташқари, унинг лашкарларини ҳам ўз сафига қўшиш ҳаракатларини қилади. Укасига қарши бўлган кучлардан фойдаланади. Форс ҳукмдори Отабек Саъд Ғиёсиддин билан келишмасди. Шу сабабли у Жалолиддин Шерозга келгани ҳамон "калишини қўлига олиб унинг ҳузурига чопади" (Ибн ал-Асир). Отабек Жалолиддинга қимматбаҳо совғалар, 500 дан ортиқ от, қурол-аслаҳалар юборади. Ўғли Солғуршоҳни қўшини билан жўнатади. Султоннинг кўнглига йўл топиш учун гўзал, оқила, севимли қизи Малика хотунни унга хотинликка беради. Жалолиддин унинг хизматларини юксак қадрлайди. Солғуршоҳга "Қариндошхон" деган лақаб беради. Кейинчалик укаси билан тил топишгач, Ироқ ҳукмронлигини қўлга киритади.

Малика хотун султонга теккач, севимли хотинларидан бирига айланади. У нафақат отаси билан Жалолиддин ўртасидаги муносабатларни, султон билан бошқа ҳукмдорлар орасидаги ҳамкорликларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилди. Унинг қудрати ошиши, давлати мустаҳкамланишига ҳам ҳисса қўшди. Султоннинг сарой ишларига бош-кош бўлди.

Камол МАТЁҚУБОВ

Давоми келгуси сонда